2009-yil 17-fevral № 20-21 (2590) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

*Осмону заминда нарсалар бари Одамнинг фикридан эмас ташқари.*

Низомий ГАНЖАВИЙ

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

# Модернизациялаш одимлари

*Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

**Ислом КАРИМОВ**

# Ойнаванд далалар саховати

*Бухоро тумани Работи қалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 4 гектарлик ойнаванд далаларга кириб борсангиз, ўзингизни баҳор оғушида ҳис қиласиз. Атроф ям-яшил, иссиқхонада ҳарорат мўътадил. Юқорига қараб тортилган ипларга тирмашиб ўсаётган палаклардаги бодринг кўзни қувонтиради.*

Бир-биридан чаққон қизлар етилган бодрингни узиб, қутиларга жойлаш билан банд. Шу топда тарозибоннинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Қадоқланган ҳосилнинг бир қисми буюртмачиларга, яна бир қисми эса бозорга жўнатиш учун тайёрланмоқда. Экинга ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш иш юритувчи Шукрулло Ражабов назоратида.

Биз тилга олаётган «Арсенал соҳибкор» масъулияти чекланган жамиятининг Деҳожи қишлоғида иш бошлагани айни муддао бўлди. 27 киши иш билан таъминланди. Иссиқхонадан ҳар куни истеъмолчиларга 600-700 кг бодринг етказиб берилмоқда.

Ҳосил йиғиштирилгач, ўрнига помидор кўчатлари ўтқазилади. Унинг ҳосили эса март ойининг охири-апрелнинг бошларида савдога чиқарилади.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида истеъмол бозорини тўлдиришга ҳиссамизни қўшиш, ходимлар манфаатдорлигини ошириш, маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш, қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишни асосий вазифа қилиб белгилаганмиз, — дейди МЧЖ раиси Санжар Қаххоров.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Суратларда: МЧЖ илғор ишчиси Мафтуна Кенжаева; жамоа пешқадамлари (чапдан) Роҳила Ўроқова, Роҳила Баҳроновалар истеъмолчилар учун маҳсулот тайёрламоқда.*

# Маҳсулот тури кўпаймоқда

***Кирк йилдан буён силикат ғишт, уй деворлари ва плиталар ишлаб чиқарган Жарқўрғон туманидаги силикат заводи айни вақтда қурилиш конструкциялари комбинати номини олди. Корхонада ишлаб чиқариш турлари ҳам ўзгарди. Бозор иқтисодиёти талабларини ўрганган муҳандис-техник ходимлар эндиликда силикат маҳсулотларидан кўра темир-бетон буюмлар тайёрлашни афзал кўришмоқда. Чунки бугунги кунда бу маҳсулотларга талабгор кўп. Янги мактаб ва коллежлар, уйларнинг барпо этилаётгани темир-бетон буюмларига бўлган эҳтиёжни ошириб юборди.***

Ўтган йили комбинатда 358,3 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Корхонамизнинг барқарор ишлаши учун 55 нафар ходимдан иборат жамоа самарали меҳнат қилмоқда. Жамоа шартномасига асосан иш ҳақи ўртача 200 минг сўмни ташкил этаяпти. Бундай ғамхўрликдан мамнун бўлган пешқадам ишчиларимиз Э.Муродов, Д.Холмуродов, Ч.Абдумуродовлар меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатмоқда. Уларга қулай шароит яратиб, махсус кийим билан таъминлаганмиз. Шунингдек, тушликда бепул иссиқ овқат ташкил этилган, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси А.Муродов.

Бугун корхона Навоий цемент заводи ва Бекобод металлургия комбинати билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Корхона раҳбарияти харидорлар дидига мос, сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга ишлаб чиқарилаётган темир-бетон буюмларнинг турини кўпайтириш ва шу йўл билан янги иш ўринларини яратишга катта эътибор бермоқда.

— Темир-бетон маҳсулотлар билан ёпиладиган кўпгина биноларнинг устига рубероид заррулигини инобатга олиб, корхонамизда шу маҳсулотни тайёрлашни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Худойқул Кўчкинов. — Шу пайтгача 7,7 млн. сўмлик рубероид харидорларга етказиб берилди. Биз бундан буён ҳам ишчиларимизни меҳнатига яраша рағбатлантириб бораверамиз.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

**2009 йил 13 февраль**

## 2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2008 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, таркибий қайта ўзгартиришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни, унинг етакчи, энг аввало, экспортга йўналтирилган тармоқларини ривожлантиришнинг самарадорлиги ва мувозанатлашганлигига 2008 йилда юзага келган жаҳон иқтисодий кризиси ва унинг оқибатлари салбий таъсир этмоқда.

Шунга қарамай, 2008 йилда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари мувозанатлашганлиги сақлаб қолинди. Ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 17,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноздаги кўрсаткичдан юқори бўлмади ва 7,8 фоизни ташкил қилди.

Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 71,2 фоизга ўсишини таъминлади. 423 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида 90 та техник модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Ташқи савдони тармоқлар ва минтақалар бўйича диверсификациялаш таъминланмоқда, ўсиб бораётган Осиё бозори билан савдо айланмаси кўпаймоқда. Экспорт ҳажми 28,7 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо 1,8 баравар кўпайди.

Бозор инфратузилмаси фаол ривожланмоқда. Банкларнинг жами капитали 2007 йилга нисбатан 40 фоизга, кредит қўйилмалари 33,4 фоизга, аҳолининг банк депозитларидаги маблағлари эса 65,3 фоизга ўсди. Суғурта хизматлари ҳажми 25,6 фоизга кўпайди.

Аҳоли бандлиги ва турмуш даражасида сифат ўзгаришларини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш давом этмоқда. Кичик бизнес саноат ишлаб чиқариши ҳажми 21,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 2007 йилдаги 45,7 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизгача, ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши эса тегишли равишда 42,5 фоиздан 45,3 фоизгача ўсди. Ўтган йилда қарийб 661 мингта, шу жумладан касаначилик ҳисобига 97,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳоли реал даромадларининг 23 фоизга ўсиши таъминланди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларнинг турар- жой ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларнинг таълими сифатини ошириш бўйича умумий суммаси 1363,5 млрд. сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг муҳим омили сифатида маҳаллий хомашё асосида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича айрим тармоқларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, шунингдек, уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш ишлари суст ташкил этилган.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт коммуникациялари ва йўл қурилишини янада ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш масалалари жиддий эътибор беришни талаб қилади.

2. Қуйидагилар 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида, республика ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунларини танқидий таҳлил қилсинлар ва 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда зарур молиявий ва моддий маблағларнинг манбаларини, шунингдек, муддатларни, масъул бажарувчиларни ва уларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат қилиш механизмини белгилаган ҳолда 2009 йилда маҳсулотларнинг талаб катта бўлган турларини ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш учун мавжуд ресурслар ва имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланишни таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар комплексини тасдиқласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган прогнозларига эришиш бўйича 2009 йил иқтисодий дастурининг бажарилишини, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг оқибатларини бартараф этиш ва уларга барҳам бериш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳар чоракда кўриб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплекси (Р.С.Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов) манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда 2009-2014 йилларда замонавий инновация технологияларини жорий этишга, рақобатбардошликни тубдан оширишга ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни таъминловчи энг муҳим устувор лойиҳаларни амалга оширишнинг узоқ муддатли дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни бир ой муддатда туғалласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Мазкур Дастур параметрлари яна бир бор аниқлаштирилсин ва Дастур барча ижрочилар, айниқса, хорижий иштирокчилар билан узил-кесил келишилсин.

*(Давоми 2-бетда)*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги



**Курортлар бошқармаси**

*Йилнинг тўрт фаслида фаолият юритаётган, шифобахш табиий иқлим, маъданли сувларга бой, барча имкониятларга эга бўлган, замонавий жиҳозланган «ОҚТОШ», «ЧИНОБОД», «УМИД ГУЛШАНИ», «ТУРОН», «ЗОМИН», «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА», «ХОНҚА», «ЧОРТОҚ», «КОСОНСОЙ», «ЧИМЁН», «БОТАНИКА», «БЎСТОН», «АБУ АЛИ ИБН СИНО», «НИҲОЛ», «МИРОҚИ», «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» санаторийларига таклиф қилади.*

**Сизга сиҳат-саломатлик ва кўнгилли ҳордиқ тилаймиз! Мулоқот учун телефон: 256-85-68, 256-78-15**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

# 2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Боши 1-бетда)*

5. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

тежамкорликнинг қатъий режимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича;

озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, ички бозорни улар билан ишончли тўлдиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларини амалга оширишни аниқ ташкил этиш ва уларни бажаришнинг тизимли мониторингини таъминласинлар.

Йирик саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш чоратадбирларининг ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш дастурларининг бажарилиши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р.Шоисматов ва Н.М.Ханов, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Назаров), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов) жорий йилнинг 10 мартигача бўлган муддатда:

иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари ўсиши динамикасини, энергия сарфи юқори бўлган ускуналарни фойдаланишдан чиқариш, энергияни кам сарфлайдиган ва энергия жиҳатидан самарали замонавий асбоб-ускуналар ҳамда технологияларни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш йўқотишларини ва энергия сарфини камайтиришни, энергиянинг ноанъанавий ва тикланадиган манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлашни назарда тутадиган 2009-2013 йилларда электр энергетикасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

магистрал ва маҳаллий тармоқлар бўйича узатишда электр энергияси нобудгарчилигини камайтириш учун электр энергетикаси корхоналарининг тармоқ хўжалигини модернизация қилишни, вилоятларда аҳоли, ишлаб чиқариш объектлари ва хизматлар соҳаси объектларини электр энергияси билан кафолатли, узлуксиз таъминлаш учун зонал кичик станциялар ташкил этишни назарда тутадиган 2009-2015 йиллар даврида энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

2009 йилда йирик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, 2010-2012 йилларда — шаҳарларнинг бошқа истеъмолчилари томонидан ва 2012-2015 йилларда — қишлоқ истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмол қилинишини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳалари киритилишини таъминласинлар.

7. Бош вазирнинг ўринбосарлари Э.Р.Шоисматов ва У.У.Розуқулов «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Назаров), «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси (Юсупов), «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (Избосаров), Навоий кон-металлургия комбинати (Санақулов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) билан биргаликда жорий йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда маҳаллийлаштириладиган машинасозлик асбоб-ускуналари, шу жумладан, нефт-газ ишларини амалга ошириш учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги хомашёсини ва минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши хорижий аналоглар, мини-технологиялар асосида кичик корхоналар учун инструментал асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, асбоб-ускуналар, машина ва агрегатлар ишлаб чиқаришни тубдан кенгайтириш бўйича таклифлар тақдим этсинлар.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров), Марказий банк (Муллажонов) ва «Ўзстандарт» агентлиги (Абдувалиев) билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган 2009 йилда импорт қилиш кўрсаткичларига тузатиш киритиш юзасидан таклифлар киритсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналар томонидан Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тузилган контрактларнинг бажарилиши, шунингдек, унга маҳаллийлаштирилган маҳсулот қўйилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин, натижалари ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқилсин.

8. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни, энг аввало, енгил ва озиқ-овқат саноатидаги корхоналарни муфассал ўрганиб чиқсин ҳамда банкрот корхоналарни таркибий ўзгартириш, уларни тижорат банкларига сотиш билан боғлиқ зарур қарорлар қабул қилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўзлари бошчилик қиладиган ҳудудий комиссиялар орқали Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари, хўжалик, жамоат тузилмалари ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг аниқ ҳиссасига баҳо берган ҳолда Дастур тадбирларининг ижроси юзасидан қатъий мониторинг олиб борилишини ва уларнинг сўзсиз бажарилишини ташкил этишни таъминласинлар.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) икки ой муддатда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес учун имтиёзлар ва рағбатлар кенгайтирилишини ҳамда янги имтиёзлар ва рағбатлар берилишини, умуман, қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришни, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлашни, унинг ижтимоий-сиёсий мақоми мустаҳкамланишини назарда тутадиган қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов, «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Арабов) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), «Ўзмонтажмахсускурилиш» уюшмаси (Шодиев) билан биргаликда:

минтақаларнинг иқлим, демографик ва бошқа шароитларини ҳисобга олиб, ҳудудларни архитектуравий режалаштирган ҳолда қуришнинг бош режалари, қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий инфратузилма объектларининг бирхиллаштирилган намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилишини;

бир ой муддатда — «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишни, шу жумладан, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни таъминласинлар, бунда институт жорий йилнинг ўзидаёқ янги бош режалар ва намунавий лойиҳалар ишлаб чиқишини назарда тутсинлар;

жорий йилнинг 20 мартигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда - йиғма, композицион ва майда блокли конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

12. Марказий банк (Муллажонов) Молия вазирлиги (Гуськова), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига минтақавий бўлимлар тармоғига эга бўлган, қишлоқ қурилиши бўйича ихтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари икки ой муддатда:

«Ўзқурилишматериаллари» компанияси (Акрамов) билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, пишиқ ғишт, томга ёпиладиган материаллар, безак ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш бўйича минитехнологияларни жорий этиш, норуда материалларнинг ишлаб турган конларини тиклаш ва реконструкция қилиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқсинлар;

намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш бўйича туманларда хусусий ихтисослаштирилган пудрат корхоналари ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқсинлар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўмаклашсинлар;

ҳар бир туман бўйича 2009-2011 йилларда қишлоқда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, уларни хомашё базаси билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда қабул қилсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова) бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда қишлоқ жойлардаги инфратузилмани танқидий баҳоласинлар ва уни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқсинлар, бунда қишлоқ жойларда аҳолининг бандлигини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишни назарда тутсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов) «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов) билан биргаликда:

жорий йилнинг 1 майигача бўлган муддатда — 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурига мувофиқ 2009 йилда амалга ошириш назарда тутилган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва сифатли экспертизадан ўтказилишини таъминласинлар;

бажариладиган мелиоратив ишларнинг сифати ва ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, унда архитектуравий режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини камайтиришни, кичик бизнес учун экологик экспертизанинг соддалаштирилган тартиботини жорий этиш ва уни амалга ошириш тарифларини камайтиришни, шунингдек, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тарифларини ва давлат мулки бўлган биноларни ижарага бериш тўловларини камайтириш чора-тадбирларини назарда тутсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров) Адлия вазирлиги (Мухитдинов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, рухсатномалар олишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда:

2007-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини танқидий ўрганиб чиқсинлар, қўйилган вазифалар бажарилмаганлиги сабабларини аниқласинлар ва зарур бўлган ҳолларда тегишли тузатишлар киритсинлар;

хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурларини тубдан қайта кўриб чиқсинлар ва одамларнинг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашнинг ва қишлоқ турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар, бунда кўрсатилаётган хизматларнинг турларини кўпайтириш учун хусусий секторга зарур бўлган шарт-шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берсинлар.

17. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Парпиев) тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳри бўйича 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Дастурда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, шу жумладан, йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича қурилиш ишларини бажаришга кенг жалб этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар ва сервис соҳасини, чорвачилик ва касаначиликни ривожлантириш, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва тижорат банкларининг маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш, бунда иш билан банд бўлмаган аҳолининг юқори даражаси кузатилаётган туманлар ва шаҳарларга, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти асосида турар-жой фонди объектларини режалаштириш, дизайнини ишлаб чиқиш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни амалга оширадиган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни, уларни иш қўлами билан таъминласинлар. Ушбу мақсадларда:

фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эски турар-жойларни, кўп квартирали уйлардаги бўш турган жойларни, шу жумладан, ётоқхоналарни ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш юзасидан, идоравий мансублигидан қатъи назар, турар-жой фондини икки ой муддатда ялпи хатловдан ўтказсинлар ва уларни маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфига беришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур қарорлар қабул қилсинлар;

хатлов якунлари бўйича турар-жой фондининг кўрсатиб ўтилган объектларини мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг аниқ дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Муллажонов) тижорат банклари ва уларнинг муассислари билан биргаликда:

банкларнинг устав капиталлари миқдорини тасдиқланган параметрларга етказган ҳолда уларнинг капиталлашуви даражасини оширишни белгиланган тартибда ва муддатларда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда икки ой муддатда жамғармаларнинг банк тизимига оқимини тўхтатиб турган омилларни пухта таҳлил қилсин ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини депозитларга жалб этишни янада рағбатлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин;

банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳолининг омонатлари бўйича нақд пул маблағлари мижознинг биринчи талабига кўра берилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Аҳолига уларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини беришнинг белгиланган тартибини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда тижорат банклари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари ва филиаллари раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган қатъий чоралар кўрилсин;

тижорат банкларига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юкланганлиги муносабати билан тижорат банклари ишини тубдан қайта қуриш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин. Бир ой муддатда тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш ва молиялаштиришни бошлаш билан шуғулланадиган махсус хизматлари юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлансин.

20. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

---

## Ватан ичра ватан

***Узоқ йиллар мобайнида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида меҳнат қилган Ҳамид Ғиёсов тиниб-тинчимас, кимгадир ёрдамим тегсин, деб юрадиганлардан. Яқинда бу фидойи инсон билан шаҳар маҳаллаларидаги муаммолар хусусида суҳбатлашдик.***

— 1994 йили мени маҳалла ҳисобот мажлисига таклиф қилишди, — дейди Ҳамид ака. — Бордим, қатнашдим, шу-шу маҳалла ҳаётига қизиқиб қолдим. Ўтган йилларда маҳалла ҳаётида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлди. Маҳаллада хилма-хил одамлар ҳар хил шароитда яшашади. Уларнинг ҳаётини пухта ўрганиб, ҳар бирига ўзига мос муомала қилиш керак.

**— Шаҳар маҳаллалари ҳаёти билан яқиндан таниш, кўплаб вилоят газеталарининг жамоатчи мухбири ва бу йилги сайловни бевосита кузатган киши сифатида сайловга қандай баҳо берасиз?**

— Сайлов ихчам ва яхши ўтди, жойларда ишчи гуруҳ раислари корхона, ташкилот раҳбарлари бўлишди. Олдинги йилларда маҳалланинг таниқли «нотиқ»лари йиғин фаолияти тўғрисида узоқ гапириб ё танқид қилиб вақтни оларди. Мен шу танқидчиларга: «Маҳалла раисини қўл кўтариб сайлаган-сан-ку. Хўш, ҳисобот йилида шахсан ўзинг маҳалла учун нима қилдинг?» — дегим келади. Кадрлар масаласига эътибор берилди. 7-Ибрат маҳалласи раислигига бир вақтлар З.Тошпўлатовнинг номзоди тавсия қилинган, лекин унинг номзодини рўйхатга киритишмаган эди. Сайланган раиснинг ишлари олдинга босмади. Кейинроқ у ўз аризасига кўра ишдан кетди. Бу сайловда З.Тошпўлатов раис этиб сайланди, ҳаракати яхши. Бажариладиган талабларни кўрган айрим маҳалла раислари ишламайман деб кетиб қолган ҳоллар ҳам мавжуд. Бундай вазиятлар эса таҳлилга муҳтож...

**— Маҳалла раисларини сайлашда номзодларнинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди?**

— Маҳалла раиси фуқароларнинг манфаатларини доимо ҳимоя қилса, фуқаролар ҳам унга эргашади. Бу йилги сайловда асосан фидойи, ҳар томонлама тўкис, кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга, ўзини маҳалла ишларига тўлиқ бахш қилиш имкони бор инсонлар сайлаб олинди, деб ҳисоблайман.

**— Маҳалла раислари кундалик ишида дуч келадиган ва ечимини топиши керак бўлган асосий муаммолар нималардан иборат?**

— Ҳозир маҳаллалардаги энг катта муаммолардан бири ёш оилаларнинг ажрашиб кетишидир. «Намуна» ҚФЙда яшовчи М.Сулаймонованинг дардини эшитишимга тўғри келди. Турмуш ўртоғи «хотинимдан кўнглим совиди», деб уни ота-онасиникига ташлаб кетибди. Ҳеч ким бу оилани яраштиришга ҳаракат қилмабди. Орадаги никоҳни бекор қилмай туриб куёвбола уйланиб ҳам олибди. М.Сулаймонова кўзида ёш билан «Майли, эримнинг мендан кўнгли қолган бўлсин. Лекин фарзандимиз келажагини ўйласин керакмасми?», дейди. Ҳақли савол! Куёв аёлни судга берибди, лекин М.Сулаймонованни ҚФЙга чақиришмабди, бунисига нима дейсиз? Аслида оилаларни сақлаб қолиш учун МФЙлар ҳаракат қилиши керак. Маъмурий комиссиялар фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Вояга етмаганлар билан ишлашни кучайтириш керак.

Ҳокимиятдан келганлар одатда, ҳар бир комиссияга бағишланган папкаларни кўриб кетаверишади. Аслида, одамлар орасига, халқ кўнглига йўл топиш керак.

Фуқаролик жамияти қуришда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Бу ерда маънавий-маърифий ишлар қандай йўлга қўйилганлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Шу маънода маҳалла раислари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиши зарур.

**Улуғбек ИБОДИНОВ суҳбатлашди**

---

## Солиқ тўловчилар диққатига

# Электрон ҳужжат қулай восита



Бугунги кунда солиқ ҳисоботларини электрон ҳужжат кўринишида интернет орқали тақдим этиш имконияти мавжуд. Энди солиқ тўловчи электрон ҳужжат афзаллиги туфайли:

— солиқ инспекциясида навбатда туриб вақт йўқотишдан халос бўлади;

— шахсий ҳисоб варақаларига маълумотлар киритишда вужудга келиши мумкин бўлган хатолар автоматик тарзда киритиш ҳисобига бартараф этилади;

— маълумотлар билан ишлаш жараёни тезлашади ҳамда бюджет олдидаги мажбуриятлар ижроси тўғрисидаги маълумотларни тезкор олиш имконияти туғилади.

Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатлар «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» қонун билан тартибга солинади.

Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (жумладан, шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин.

Шу ўринда электрон ҳужжат нима деган савол туғилиши табиий. Бу электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган ахборотдир. У техник воситалардан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади. Шу билан бирга, унда иштирокчиларнинг ҳужжатни идрок этиш имконияти инобатга олиниши керак.

Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат:

— электрон рақамли имзо;

— электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

— электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;

— ҳужжат яратилган сана.

Қонун ҳужжатларида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишуви билан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгиланиши мумкин.

Электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади. Унинг қоғоз нусхаси бўлиши мумкин ва бу нусха қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва сақланади.

Электрон ҳужжатни жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларидир. Электрон ҳужжат айланишида ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса:

— электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи томонидан кўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон ҳужжат келиб тушган вақт у қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланади;

— электрон ҳужжат, агар унинг қабул қилиб олинишини таъминлаган ахборот тизими бошқа ерда жойлашган бўлса ҳам, уни қабул қилиб олувчи турган жойда қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

Электрон ҳужжатни сақлаш муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз ҳужжат учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш иштирокчилар ёки бошқа юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Электрон ҳужжат айланишига тааллуқли низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Солиқ кодексининг 45-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан ушбу, кодексда белгиланган муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органига тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўз хоҳишига кўра телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этишга ҳақли.

Солиқ ҳисоботини солиқ органига тақдим этиш санаси ҳисобот электрон ҳужжат тарзида тақдим этилганда у солиқ органи томонидан олинган сана ҳисобланади.

Солиқ ҳисоботи телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида қабул қилиб олинганда солиқ органи солиқ тўловчига ҳисобот қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юбориши шарт.

**Асқар АҲРОРОВ,**
**Сергели туман ДСИ шўъба бошлиғи**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битим.
2. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларни бошқа касбга ўргатиш, малакасини ошириш, иккинчи касбга ўргатиш ишлари тўғрисида Низом.
3. Корхонада касаначилик меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида Низом.
4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
5. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус танаффуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
6. Ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
7. Ходимларга алоҳида тусдаги ишларда, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
8. Ходимларга Корхонада (тармоқда)ги иш стажи учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
9. Йиллик қўшимча таътил бериладиган раҳбар ва мутахассис кадрлар лавозимлари рўйхати.
**10. Ходимларга оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.**
11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.
12. Мукофотлаш тўғрисидаги Низом.
13. Ходимга тегишли мол-мулкдан (автотранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланганлик учун ҳаражатларни қоплаш меъёрлари.
14. Ходимларга кўчиб юриш билан боғлиқ ишлар учун устамалар тўланадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.
15. Доимий иши қатнаб бажариладиган характерга эга бўлган, шунингдек бириктирилган участкалар доирасида хизмат қатновларида ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.
16. Корхона (тармоқ)даги кўп йиллик меҳнати учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом.
17. Вахта услубидаги иш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.
18. Ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.
19. Ишлар, ишлабчиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари ўрнатиладиган ходимлар касблари рўйхати.
20. Ишдаги иқлим шароитлари учун ёз ва қиш фаслларида қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.
21. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.
22. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек ўқувчи ва талабаларнинг ишлабчиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки этилмасдан) жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.
23. Корхонада амалиёт ўтовчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.
24. Йил якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисида Низом.
25. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати.
26. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмалар рўйхати.
27. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати.
28. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари) билан таъминлаш нормалари ва тартиби.
29. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув билан таъминлаш нормалари ва тартиби.
30. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш нормалари ва тартиби.
31. Дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.
32. Таътил учун моддий ёрдам тўлаш тўғрисидаги Низом.
33. Меҳнат низолари комиссияси тўғрисидаги Низом.
34. Меҳнат низолари комиссиясига унинг фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, ташкилий техника ва бошқа моддий –техник воситалар рўйхати.
35. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Низом.
36. Корхона ходимларига уй-жой олиш учун фоизсиз ссудалар бериш тартиби тўғрисида Низом.
37. Маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш сметаси.
38. Касаба уюшма қўмитасига касаба уюшма фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, транспорт ва алоқа воситалари рўйхати.
39. Соғломлаштириш жамғармаси ёки корхонада тузилган шунга ўхшаш бошқа жамғарма тўғрисида Низом.

Жамоа шартномасининг макети амалдаги жамоа шартномалари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг 2008 йил 1 декабргача бўлган ўзгаришларига мувофиқлаштирилган.

Макет матни тавсиявий тусга эга.

* Кейинги ўринларда **«Корхона»** деб номланади.
** Кейинги ўринларда **«Касаба уюшма қўмитаси»** деб номланади.
*** Корхонада касаба уюшма ташкилоти тузилмаган бўлса жамоа шартномасининг нусхасини нотариусга сақлаш учун топшириш мумкин.



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-
O'.K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

# Жамоа шартномаларини тузишга оид

# ТАВСИЯЛАР

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари**
**2009 йил**

**Мазкур тафсиялар ЎзКУФКнинг расмий сайти — http://WWW.sfp.uz да ҳам берилган**

---

**5.1.** Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шакллари қўлланилиб бунда вақтбай-мукофотли (ёки оддий вақтбай) ҳамда бевосита ишбай (ёки ишбай-мукофотли, ишбай-прогрессив, билвосита ишбай, аккорд) меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларидан фойдаланилади.

**5.2.** Меҳнат ҳақи **Иш берувчи** томонидан **Касаба уюшма қўмитаси** билан келишиб тасдиқланадиган ____ разрядли тариф сеткаси бўйича тўланади. **(11-Илова).**

**5.3.** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинса, Корхонанинг тариф сеткаси хам қайта кўриб чиқилиши лозим.

**5.4.** Тариф сеткасининг нулинчи разряд ставкаси Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш хақининг _____баравари миқдорида белгилаб қўйилади.

**5.5.** Корхона бўйича ўртача иш хақи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш хақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорга етказилади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмайди.

**5.6. Иш ҳақини тўлаш муддатлари:**
- биринчи ярим ой учун — жорий ойнинг _____ санасида;
- иккинчи ярим ой учун — _____ кейинги ойнинг _____ санасида;

Хақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

**5.7.** Ходимнинг розилиги билан иш ҳақининг бир қисми унинг пластик карточкасига ўтказиб берилади, бундай ўтказма миқдори тўланадиган сумманинг_____ фоизидан ошмайди.

**5.8.** Ходимга ҳақ тўлаш мазкур **Шартноманинг** 5.6-бандида белгиланган муддатларга нисбатан кечиктирилганда қуйидаги чоралар кўрилади:

**5.8.1.** кечиктирилиш хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан содир бўлганда – **Иш берувчи** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли Қарори асосида тузилган банк ва мижоз ўртасидаги хизмат кўрсатиш шартномасига биноан) банк раҳбариятига жарима ундириш тўғрисида талабнома киритишни ва ундирилган жаримани меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

**5.8.2.** кечиктирилиш муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги сабабли содир бўлганда - **Иш берувчи** - дебитор қарзларни жарималар, пенялар билан бирга ундиришни ва ундирилган маблағни меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

**5.8.3.** кечиктирилиш депозит рақамида маблағнинг йўқлиги сабабли содир бўлганда - **Иш берувчи** – тижорат банкидан кредит олиб меҳнат хақини тўлашни ўз зиммасига олади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарорига биноан ).

**5.9.** Меҳнат ҳақи, таътил учун ҳақ, ишдан бўшаш ва бошқа ҳолатлар бўйича тўланадиган тўловлар **Иш берувчининг** айби билан (шу жумладан 5.8.1, 5.8.2, 5.8.3 бандлар талабларига риоя этилмаганлиги сабабли) ўрнатилган муддатларга нисбатан кечиктирилганда **Иш берувчи** ҳар бир кечиктирилган кун учун ходимга ____ фоиз миқдорида (лекин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1/300 қисмидан кам бўлмаган миқдорда) пуллик компенсация тўлайди.

**5.10. Иш берувчи** меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёрлаштиришга оид локал ҳужжатларни, шунингдек уларни жорий этиш тартибини **Касаба уюшма қўмитаси** билан келишиб олади.

**5.11.** Ходимларни мукофотлаш **Корхонанинг** мукофотлаш тўғрисидаги Низомига асосан амалга оширилади. **( 12-Илова).**

**5.12. Корхонада** оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг қуйидаги турлари ва миқдорлари ўрнатилади:

**5.12.1.** тунги вақтдаги иш учун _____ баравар миқдорда, кечки сменадаги иш учун — _____баравар миқдорда ҳақ тўланади; (камида бир ярим)

**5.12.2.** иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун — _____ баравар миқдорда ҳақ тўланади; (камида икки )

**5.12.3.** кўп сменали режимдаги иш учун _____ фоиз устама тўланади;

**5.12.4.** бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек ўриндошлик асосида иш бажарилганида ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан, лекин ходим лавозим маошининг _____ фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

**5.12.5.** Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар «Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома»га (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва №7/12 сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268 рақам билан рўйхатга олинган) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

**а)** йўл кира ҳаражатлари норматив асосида;
**б)** доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар;
**в)** Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш хақининг _____ фоизи миқдорида суткалик харажатлар;
**г)** ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар.

**5.12.6.** Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 февралда 16 сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июнда 932 — рақам билан рўйхатга олинган) «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун маблағ бериш тартиби»га биноан амалга оширилади;

**5.12.7.** ходимга тегишли транспорт воситасидан иш берувчининг розилиги билан фойдаланилгани учун компенсация – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154 -сонли Қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш Тартиби» меъёрлари асосида тўланади;

**5.12.8. Иш берувчининг** розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулк (асбоб-ускуналар, ашёлар ва ҳоказо)дан (автотранспорт воситасидан ташқари) фойдаланганда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида келтирилган меъёрлар асосида ҳисоблаб чиқилган амортизацияси доирасида харажатлар қопланади **(13-Илова)**;

**5.12.9. Иш берувчининг** таклифига биноан ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда унинг қуйидаги қўшимча харажатлари тўланади:
**а)** кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
**б)** янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
**в)** ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

**5.12.10.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган ҳарактердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ишлаб чиқариш зарурияти га кўра (доимий яшаш манзилига кунлик қайтишнинг имконияти бўлмаган ҳолатларда) ходимнинг кўчиб юриши ёки доимий иш жойидан узоқда бўлиши билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида **кўчиб юриб бажариладиган ҳарактердаги ишлар** учун устамалар;

**5.12.11.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган ҳарактердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ходимнинг корхонадан анча узоқда жойлашган объектларда бажариладиган ва ишдан ташқари вақтларда корхона манзили (ёки йиғилиб кетиш жойи)дан объектдаги иш жойигача бориб келиш қатновлари билан боғлиқ ишлардаги қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида **қатнаб бажариладиган ҳарактердаги ишлар учун устамалар;**

**5.12.12.** корхона (тармоқ)да кўп йиллик меҳнати учун иш стажига биноан ходимнинг ойлик тариф ставкаси (лавозим маоши)га тўланадиган устамалар;

**5.12.13.** вахта услубидаги иш учун устамалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 ноябрда 551-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Узоқ масофада жойлашган ва ўта муҳим объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг вахтали услуби ҳақидаги Низом»га биноан );

**5.12.14.** ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар (иш жойларини шаҳодатлаш натижаларига кўра);

**5.12.15.** ишлар, ишлабчиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1993 йил 8 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорларда);

**5.12.16.** ишдаги иқлим шароитлари учун ёз (июн, июл, август) ва қиш (декабр, январ, феврал) фаслларида қўшимча тўловлар;

**5.12.17.** иш жараёнида зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланганлиги учун ҳожатхона фаррошларнинг лавозим маошларига 10 фоиз миқдорида компенсация.

(5.12.10, 5.12.11, 5.12.12, 5.12.13, 5.12.14, 5.12.15, 5.12.16-бандларда назарда тутилган устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда оширувчи коэффициентлар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхатлари мазкур **Шартноманинг 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20- Иловаларида** келтирилган).

**5.13.** Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун **21- Иловада** келтирилган камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади.

**5.14.** Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек ўқувчи ва талабаларнинг ишлабчиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки этилмасдан) жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш **22- Иловага** биноан амалга оширилади.

**5.15. Корхонада** амалиёт ўтовчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнати учун ҳақ Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалиёти тўғрисидаги низомга ва **23- Иловага** биноан амалга оширилади.

**5.16. Иш берувчининг** кўрсатмасига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади.

Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш хақи сақланиб қолинади — мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб қўшимча дам олиш вақти берилади.

Ходим иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажараётганда **Корхона** бўйича тариф ставкалари ва лавозим маошлари миқдори оширилса, у ҳолда ходимга меҳнат ҳақи ана шу даврдаги барча иш кунлар учун янги тариф бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиб тўланади.

**5.17.** Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив шаклларини қўллаш, иш сифатини кўтариш, касб маҳоратини юксалтириш ишларидан жамоанинг ва алоҳида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида **Иш берувчи Касаба уюшма қўмитаси** билан келишган ҳолда бошқа турдаги устамаларни ўрнатиши мумкин (масалан: юқори касб маҳорати учун, кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, меҳнатдаги юқори ютуқлари учун, бажараётган ишининг мураккаблиги учун ёки алоҳида муҳим ишлар учун уларни бажариш вақтига). Устамалар ҳажми ҳар бир ходимнинг бажараётган иш сифатини ошириш учун қўшаётган ҳиссасига қараб белгиланади. Мазкур ходимлар ҳақидаги маълумотлар ошкоралиги таъминаланади. Иш сифати сусайган ҳолда барча устамалар бекор қилинади ёки камайтирилади.

**5.18. Иш берувчи Касаба уюшма қўмитаси** билан келишган ҳолда тегишли Низомга биноан йил якунлари бўйича мукофот тўлайди. **(24-Илова).**

**5.19.** Қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларга меҳнат ҳақи ҳар бир ишлаган куни учун ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ҳисобда амалга оширилади.

**5.20.** Илмий даражаси ва илмий унвони бўлган ходимлар лавозим маошига ҳар ойда ____ фоиз миқдорида устамалар тўланади.

## VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

**6.1.** Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари, **Корхона** Низоми ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан таъминланишини ва назорат қилинишини тарафлар ўз зиммасига оладилар.

**6.2. Иш берувчи**:

**6.2.1.** ходимларни ишдаги мувофаққиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этишни;

Маълумки, ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади. Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа шартномалари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади, чунки амалдаги қонун ҳужжатларида ходимларнинг ҳуқуқ ва кафолатлари борасида фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурат белгилаб берилган.

Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)[1] ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномаси амал қилиш муддатини томонлар белгилайди, одатда бу муддат ҳаракатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади. Бунда касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг тенг сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

— жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

— музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

— жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Жамоа шартномаси ҳам тармоқга, ҳам худудга хос ижтимоий муаммоларни ҳисобга олиши лозим.

Ижтимоий ҳимоя чоралари сифатида жамоа шартномаларига қуйидаги тадбирларни киритиш тавсия этилади: фахрийларга, ногиронларга, кўп болали оналарга, фарзандлари 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, корхоналар ҳисобидан ходимлар ва улар оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш, ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини узайтириш, болалик аёлларнинг иш вақтини қисқартириш, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилиш, бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ бир марталик нафақалар миқдорини ошириш ва бошқалар.

Жамоа шартномаларини тузишга оид мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси»нинг 21-бандини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунга биноан жамоа шартномаларига ёшларнинг, айниқса ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахсларнинг, ҳуқуқлари ва қўшимча кафолатларига риоя қилинишини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқаришда ижтимоий муҳофазаси таъминланганлигини кафолатлайдиган махсус қоидаларни киритиш тавсия этилади.

Мазкур тавсиялар макет шаклида ишлаб чиқилган.

[1]**Кейинги ўринларда «корхона» деб юритилади**



ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

**и)** ҳар ҳил танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

**к)** касаба уюшмалари Федерациясининг **«Ишонч», «Ишонч-Доверие»** газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятларини олади.

**14.8.** Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига биноан касаба уюшма органларига сайланиб ишлаб чиқариш фаолиятидан озод этилган шахсларга уларнинг ваколат муддатлари тугаганидан сўнг аввалги ёки шунга тенг иш берилиши керак.

Мазкур кафолатни тўлиқ амалга ошириш мақсадида **Иш берувчи** касаба уюшмасига сайланган ходимларнинг бўшаб қолган иш ўринларига янги ходимларни фақатгина муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларига биноан ишга қабул қилиш мажбуриятини олади.

**14.9.** Асосий ишидан озод этилмаган **Касаба уюшма қўмитаси** раисига **Корхона** ҳисобидан ҳар ойда _____ миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

**14.10.** Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196 рақам билан рўхатга олинган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом»нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур **Шартнома** мақсадларида **Меҳнаткашлар вакиллари** деб эътироф этиладилар:

**а)** сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;

**б)** меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;

**в)** меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари;

**г)** _____;

**д)** _____

**14.11**. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **Меҳнаткашлар вакилларига** жамоатчилик ишларини бажариш учун ҳар ҳафтада икки соатдан бўш вақт берилади ва бу давр учун уларга ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

**14.12.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **Меҳнаткашлар вакилларига** интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан **Иш берувчи** ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

# XV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

**15.1.** Тарафлар тенглик асосида, мазкур **Шартнома** бажарилишини текшириб борувчи комиссия тузишни ўз зиммаларига оладилар.

**15.2.** Томонлар йилда _____ маротаба мазкур **Шартнома** бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ва текширув натижаларини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама қилишни ўз зиммаларига оладилар.

**15.3.** Тарафлар тармоқ (тариф), худудий (минтақавий), худудий-тармоқ келишувларини тан олиб уларни бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартиришлар киритилса, **Иш берувчи** ва **Касаба уюшма қўмитаси** _____ муддат ичида мазкур **Шартномага** тегишли ўзгариш, қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб боришни ўз зиммаларига оладилар.

**15.4.** Тарафлар шуни эътироф этадиларки, уларнинг мазкур **Шартномада** акс эттирилган манфаатлари улар томонидан жамоа шартномасининг барча шартлари ва мажбуриятлари сўзсиз бажарилган тақдирдагина рўёбга чиқиши мумкин.

**15.5.** Касаба уюшма қўмитаси, жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)дан олдин унинг лойиҳасини экспертиза учун юқори турувчи касаба уюшма органига (тармоқ касаба уюшмаси вакиллигига) ёки юридик фирмага тақдим этади.

**15.6.** Мазкур **Шартнома** имзолангандан сўнг, тарафлар уни рўйхатдан ўтказиш учун юқори турувчи касаба уюшма органи (вакиллик)га тақдим этадилар[*].

**15.7.** Жамоа шартномаси имзолангандан сўнг, томонлар уни бажарилиши бўйича тадбирлар режаси, масъуллар ва муддатларини белгилаб оладилар.

**15.8.** Жамоа шартномаси **Корхонанинг** кўптиражли газетасида имзоланган кунидан бир ойдан кечиктирилмаган ҳолда чоп этилади, брошюра кўринишида _____ тираж нусхада чиқарилади. Шунингдек, Жамоа шартномасининг матни ва иловалари билан ходимлар **Корхонанинг** ходимлар бўлимида, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва юридик бўлимларида ҳамда **Касаба уюшма қўмитасида** танишишлари мумкин.

**15.9. Шартноманинг** амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар, қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, мазкур **Шартноманинг** ажралмас қисми бўлиб хисобланади.

**15.10.** Жамоа шартномасининг иловалари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

# XVI. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**16.1.** Тарафлардан бирининг мазкур **Шартномада** белгиланган шартлар бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги ҳақида берган тақдимномалари бошқа тараф томонидан икки ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

**16.2.** Жамоа шартномаси мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур **Шартномада** белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.



**6.2.2.** ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда):

— пул мукофотлари билан;

— ташаккур эълон қилиш билан;

— қимматбаҳо совғалар билан;

— **Корхонанинг** санаторий-профилакторийсига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантиришни ўз зиммасига олади.

# VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

**7.1. Иш берувчи** қуйидаги ҳолларда бир йўла бериладиган нафақа тўлайди:

**а)** ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этиши муносабати билан унинг _____ йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида; (камида олти)

**б)** ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигига шикаст етказилганлиги муносабати билан унинг _____ йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида; (камида бир)

**7.2. Иш берувчи** зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

**7.3.** Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходимлар махсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати **25-Иловада** келтирилган.

**7.4.** Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмаларнинг рўйхати **26-Иловада** келтирилган.

# VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**8.1.** Тарафлар:

**8.1.1.** мазкур **Шартномага** илова сифатида ҳар йили тузиладиган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битимга биноан иш ўринларида меҳнат шароитларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги аҳволини яхшилаш юзасидан тадбирлар бажарилишини (**1-Илова**);

**8.1.2.** меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон Қарори билан тасдиқланган «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этиш;

**8.1.3.** меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича _____ нафар вакилларни мазкур **Шартноманинг** амал қилиш муддатига сайлаб қўйиш мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

**8.2. Иш берувчи:**

**8.2.1.** ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилиш (Ўзбекистон Республикасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонуни);

**8.2.2.** ноқулай меҳнат шароитларида банд ходимларни махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан, шунингдек ювиш ва зарарсизлантириш воситалари, сут ёки шунга тенг бошқа маҳсулотлар, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш учун ҳар йили мавжуд эҳтиёжни аниқлаш ва уларни ҳарид қилишга маблағ режалаштириш;

**8.2.3.** ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган услубияти асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказиш

**8.2.4.** ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

**8.2.5.** ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**8.3.** Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати, бундай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш нормалари ва тартиби **27-, 28-, 29-, 30-Иловаларда** келтирилган.

**8.4.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддасига биноан дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати **31-Иловада** келтирилган.

# IX. ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

**9.1.** Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

**9.2.** Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қуйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар:



Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати **4-Иловада** келтирилган.

**4.7.** Иш вақти жамлаб ҳисобга олиниши режимида банд бўлган ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори тенглаштирилиши кафолатланади (ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича тўғрилаб қўйиш шарти билан). Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайинида иш соатларининг нормал миқдоридан кўп ишлаганлик учун иш вақтидан ташқари ишлар учун ўрнатилган баҳоларга биноан ҳақ тўланади ёки ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш куни берилади.

**4.8.** Иш берувчи томонидан йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда меҳнат қилувчилар учун корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан махсус танаффуслардан фойдаланиш имконияти берилади. Бунинг учун иш бажариладиган жойда махсус иситиладиган хона ажратилади. Ушбу танаффуслар ҳақ тўланадиган иш вақтига киритилади. Бундай махсус танаффуслар бериладиган касблар, лавозимлар ва ишлар рўйхати **5- Иловада** келтирилган.

**4.9.** Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб этиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

**4.10.** Иш кеч (соат 22.00 дан кейин) тамом бўлган ҳолларда **Иш берувчи** ходимларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш мажбуриятини олади ва навбатчи транспорт воситаси билан таъминлайди.

**4.11.** Ходимларни кечки ва тунги вақтларда, шунингдек дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш алоҳида ҳоллардагина ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, **Иш берувчининг Касаба уюшма қўмитаси** билан келишиб қабул қилган ёзма фармойишига биноан амалга оширилиши мумкин.

**4.12.** Йиллик асосий таътил (қонун ҳужжатларига биноан асосий узайтирилган таътиллар ўрнатилган ходимлардан ташқари) барча ходимлар учун _____ иш кунидан иборат этиб белгиланади. (камида 15)

**4.13.** Қуйидаги ҳолларда қўшимча йиллик меҳнат таътиллари берилади:

**а)** Меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида) _____ кундан _____ кунгача **(6-Илова)**;

**б)** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига биноан меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун 12 кундан _____кунгача **(7-Илова);**

**в) Корхона** (тармоқ)даги иш стажи учун _____кундан _____кунгача **8-Иловага** мувофиқ;

**г)** раҳбар ва мутахассис кадрларга **9-Иловада** келтирилган лавозимлар рўйхатига биноан;

**д)** оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун _____кундан _____кунгача **(10-Илова);**

**е)**_____

**ж)**_____

**4.14.** Иш берувчи қуйидаги ҳолларда ходимнинг иш ҳақи сақланиб қолинадиган таътил бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

**а)** яқин қариндоши вафот этганда – 3 кун;

**б)** ходим ёки унинг фарзандининг тўй маросимини ўтказишга – 3 кун;

**в)**_____

**г)**_____

Яқин қариндошлар деб: ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди ва унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси ҳисобланадилар.

**4.15.** Йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнат стажига қўшимча равишда муддати икки ҳафтадан _____ ҳафтагача бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган таътиллар ҳам киритилади.

**4.16.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

**а)** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

**б)** бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

**в)** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармонига биноан тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакилларига;

**г)** ишлаётган нафақахўрларга;

**д)** _____

**е)** _____

**ж)** _____

**4.17.** Таътил учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

**4.18.** Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

**4.19.** Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлардан ташқари (1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган I ва II гуруҳ ногиронларига, ун икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга) яна қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

**а)** бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга;

**б)** 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;

**в)** ишлаётган нафақахўрларга;

**г)** _____

**д)** _____

**е)** _____

**ж)** _____

**4.20.** Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

# V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ.

## КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

**б)** сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилган ходимларга - пул маблағларини Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритиш учун.

**12.5.** Таълим муассасаларида ишлаб чикаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда қуйидагилар кафолатланади:

**12.5.1.** ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур бўлган кундалик иш вақтининг бошланиши ва тамом бўлиши вақти;

**12.5.2.** иш ҳафтасини яна _____ фоизга қисқартириш;

**12.5.3.** йилида _____ иш кунидан иборат қўшимча меҳнат таътили бериш;

**12.5.4.** йилда 14 календар кунидан кам бўлмаган иш хақи сақланмаган ҳолда таътил бериш.

**12.6.** Иш берувчи олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув муассасаларида сиртдан ўқувчи ходимларга, йилида бир марта лаборатория-имтиҳон сессиялари (диплом ишларини ҳимоя қилиш (битирув имтихонларини топшириш) даврида, ўқув муассасасига бориб келиш учун йўлкира харажатининг _____ фоизи миқдорда йўл кира пули тўлайди.

(камида 50)

**12.7.** Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари:

**а)** ёш ходимларнинг ижтимоий хуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада мукаммаллаштириш учун мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

**б)** ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатганларни мунтазам равишда тақдирлаш.

## XIII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ.

**13.1.** Келишувчи томонлар, ижтимоий шерикчилик принципларини тан олган ҳолда, жамоа шартномасини бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

**13.2.** Якка тартибдаги меҳнат низолари ва зиддиятлар ____ аъзолардан ташкил топган (ҳар тарафдан ____ дан) меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да, мазкур **Шартноманинг** амал қилиш муддатига сайланган меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

**13.3.** Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва **33- Иловада** келтирилган Низомга биноан олиб боради.

**13.4.** Меҳнат низолари комиссиясини ташкилий-техникавий таъминлаш ишлари **34- Иловага** асосан амалга оширилади.

**13.5.** Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## XIV. ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

**14.1. Иш берувчи** ва **Касаба уюшма қўмитаси** ўзаро муносабатларида ижтимоий шерикчилик, ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

**14.2. Иш берувчи** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига биноан касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилади, унинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашади;

**14.3. Иш берувчи Корхонада** ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида **Касаба уюшма қўмитасини** тан олади.

**14.4.** Томонлар касаба уюшма аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари **Корхона** бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

**14.5.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 январда 615 рақам билан рўхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га биноан **Корхона** ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**14.6. Иш берувчи**:

**а)** жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин Касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

**б) Касаба уюшма қўмитаси** талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

**в) Касаба уюшма қўмитасининг** уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятларини олади.

**14.7. Касаба уюшма қўмитаси:**

**а) Корхонанинг** ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

**б)** қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

**в)** меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

**г)** касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

**д)** иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

**е)** ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида таъминлаш;

**ж)** корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

**з)** касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлабчиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва



**Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган**

200__ йил «___»_____

Баён № _____

_____

(корхона, ташкилот, муассаса номланиши)

**_____ йил(лар) учун**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилар:

**Иш берувчи**

(Ф.И.О.) _____

200__ йил «____»_____

**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси** (касаба уюшма гуруҳи раиси, касаба уюшма ташкилотчиси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари)

(Ф.И.О.) _____

200__ йил «____»_____

**Жамоа шартномасига имзо чекиш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлдилар:**

**Иш берувчи вакиллари**

1.
2.
3.

**Ходимлар вакиллари**

1.
2.
3.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.1.** Мазкур жамоа шартномаси (кейинги ўринларда «**Шартнома**») _____да (корхона, ташкилот, муассаса номланиши)

иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур **Шартноманинг** тарафлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

— **иш берувчи** _____

_____ тимсолида

(бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар кўрсатилади)

- **ходимлар** _____

(касаба уюшма қўмитаси (касаба уюшма гуруҳи, касаба уюшма

_____ тимсолида

ташкилотчиси) ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи кўрсатилади)**

**1.2. Шартнома** _____ дан кучга киради ва _____ гача амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

**1.3.** Мазкур **Шартнома Иш берувчига** ва **Корхонанинг** барча ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Мазкур **Шартномада** назарда тутилган ҳолларда унинг айрим қоидалари қуйидагиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади:

- ходимнинг оила аъзоларига;
- ёшга доир пенсияга кетиши муносабати билан меҳнат муносабатлари иш берувчи томонидан бекор қилинган шахсларга;
- касаба уюшма қўмитасининг штатдаги ходимларига;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарар етказилиши оқибатида жабрланган собиқ ходимларга;
- меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ходим карамоғида бўлган ва зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга;
- касаба уюшмаси аъзоларига (касаба уюшма бюджети ҳисобидан бериладиган қўшимча имтиёзлар қисмида).

**1.4.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли Қарори билан тасдиқланган



**берувчи,** шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**Корхона** ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида _____ фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

**3.8. Иш берувчи** қисқартирилаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш ишларини ташкил этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**3.9.** Ходимлар сони қисқартирилаётганда қисқартириш оқибатларини юмшатишга қаратилган қуйидаги чоралар назарда тутилади :

**а)** ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун кичик бизнес субъектларини таъсис этиш;

**б)** ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни тақиқлаш, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

**в)** ходимларнинг ҳоҳишига кўра уларга иш хақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

**г)** қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз ҳоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

**д)** бўшатиб олинаётган ходимларнинг малакасини ўзгартириш ва бошқа касбга ўргатиш учун Аҳолини иш билан таъминлаш-га кўмаклашиш Маркази билан шартнома тузиш;

**е)** ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олган ходимга огоҳлантириш муддати давомида узига қулай вақтда бошқа иш қидириш учун ҳафтада _____ кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқини бериш.

(камида бир)

**3.10.** Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ходимлар тоифаларига берилади.

**3.11.** Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмасалар, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қуйидаги ҳолатлар инобатга олинади:

**а)** ногиронлик;

**б)** пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);

**в)** ишлаётган ёлғиз онанинг қарамоғида 14 ёшга тўлмаган болалар мавжудлиги;

**г)** _____.;

**д)** _____.

## IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

**4.1. Корхонада** иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади (соат):

**а)** нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун - 40 соатдан ортиқ бўлмаган муддат;

**б)** 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун - 36 соат;

**в)** I ва II-гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун - 36 соат;

**г)** меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида шаҳодатдан ўтказилган ишларда банд бўлган ходимлар учун - 36 соатдан ортиқ бўлмаган муддат;

**д)**_____;

**е)** _____.

**4.2.** Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар ҳамда меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақти муддатининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарори билан белгиланади.

**4.3.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгилаб қўйилиши шарт:

**а)** оила аъзоларидан бирининг бетоблиги;

**б)** ишни таълим билан қўшиб олиб борилиши;

**в)** профилактик даволаниш зарурияти;

**г)** технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар туфайли ходимлар сони қисқаришининг олдини олиш;

**д)** расмий рўйхатга олинган динларга мансуб ходимлар учун диний маросимларни адо этиш ҳамда рўза тутиш зарурияти;

**е)** _____.

**4.4.** Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати ходим билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Тўлиқсиз иш вақти режимидаги меҳнат учун ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

**4.5.** Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларга қўшимча равишда ходимнинг илтимосига биноан **Иш берувчининг** ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган ходимларга **Иш берувчи** томонидан (иш ҳақи тўлиқ миқдорда сақлаб қолинган ҳолда) қисқартирилган иш куни ёки иш ҳафтаси ўрнатилади. (Ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари учун шартнома бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

**4.6.** _____ларида

(таркибий бўлинмаларнинг номи)

иш вақти (смена) муддати суткасига ўн икки соат миқдорида белгилаб қўйилади ва иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинади. Бунда иш вақтининг _____балансига риоя этилади.

(ойлик, чораклик, ярим йиллик ёки йиллик )

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 220-моддасининг бешинчи қисми ва 228, 245-моддаларига) риоя қилган ҳолда жорий этилади.



**а)** 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);

**б)** атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (103-модда);

**в)** I ва II гуруҳ ногиронлари учун (68, 135, 143, 144, 150, 214, 220-моддалар).

**9.3. Иш берувчи** қуйидаги миқдорларда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

**9.3.1.** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, байнал-миналчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ фарзанди бор ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат натижасида радиоактив ифлосланган зонадан эвакуация қилинган ва кўчириб келинган ходимларга (агар уларда қоняратиш органлари (ўткир лекозлар), қалқонсимон без (аденомалар, рак) касалликлари ҳамда ракни келтириб чиқарувчи ўсимталар мавжуд бўлса), ядровий полигонлар ва бошқа радиация-ядровий объектларда ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ходимларга – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

**9.3.2.** ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатда турувчи ходимларга уларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган даври (умумий иш стажи)га қараб — иш ҳақининг 60дан 100 фоизигача;

**9.3.3.** бошқа ҳолларда, ходимнинг умумий иш стажига қараб — иш ҳақининг 60дан 100 фоизигача.

**9.4. Корхонада** камида _____ йил ишлаган ходимларнинг ҳақиқатдаги иш ҳақлари ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари ўртасидаги фарқ қўшимча тарзида тўлаб берилади.

**9.5. Иш берувчи** «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига биноан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида қўшимча маблағ ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**9.6. Иш берувчи** ходимларни йилида камида бир марта эпидемия хавфи мавжуд бўлган касалликлардан **Корхона** ҳисобидан эмлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**9.7. Иш берувчи** ишлаётган пенсионерларга ўтган ой учун пенсияни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 20 декабрда 198 рақам билан рўйхатга олинган ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига биноан).

**9.8. Иш берувчи** ўз маблағлари мавжуд бўлган тақдирда пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир кунда ўз маблағлари ҳисобидан (тўланган суммаларни кейинчалик нобюджет Пенсия жамғармаси маблағидан қоплаш шарти билан) тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкининг 2004 йил 25 февралдаги N 35, N 74, N 2004-24 ва N 245-В сонли қарори билан тасдиқланган «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги Низом»нинг 27-бандига биноан).

**9.9.** Ходим сурункасига бир ойдан ортиқ касал бўлганида унга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини **Иш берувчи** ўз зиммасига олади.

**9.10. Касаба уюшма қўмитаси Иш берувчи** билан биргаликда ходимнинг ота-онасидан бири ёки яқин қариндоши вафот этганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари

(камида уч)

миқдорида моддий ёрдам кўрсатадилар ёки шу сумма доирасида дафн маросими хизматларини кўрсатувчи фирма билан тузилган шартнома учун пул ўтказиб берадилар.

**9.11.** Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

**9.12. Иш берувчи** ходимнинг иш вақтида овқатланиш сарф-харажатларини у ишлаган ҳар бир тўлиқ ой учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда қисман қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**9.13. Иш берувчи** шаҳар йўловчи транспортида (таксидан ташқари) юриш ҳуқуқини берувчи ойлик чипта нархи (ёки 100та қатнов қиймати) миқдорида ходимнинг йўлкира харажатларини ҳар ойда қоплаб боради.

**9.14.** Ҳар йили куз мавсумида **Иш берувчи** корхонанинг рўйхатдаги ходимларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи чегириб ташлангандан сўнг Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварига тенг келадиган пуллик компенсация тўланишини таъмин этади.

**9.15.** Навбатдаги меҳнат таътилига кетаётган ходимга **Иш берувчи** томонидан профилактик даволаниш учун Низомга мувофиқ моддий ёрдам кўрсатилади (**32-Илова**).

**9.16. Корхона** (тармоқ)да _____ ва ундан кўп йил ишлаган ходим ёшга доир (ёки ногиронлик сабабли) пенсияга кетаётганда унга лавозим маоши (ўртача иш ҳақи)нинг _____ баравари миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

**9.17. Иш берувчи** кўп болали, кам таъминланган оилалар аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳисобланадиган собиқ ходимларга, **Корхонада** меҳнат қилган марҳум ходимларнинг балоғатга етмаган фарзандларига йил давомида қўшиб ҳисобланда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиб боришни ўз зиммасига олади.

**9.18. Иш берувчи:**

**9.18.1.** _____ нафар ходимлар ва уларнинг оила аъзолари (шу жумладан камида _____ нафар кам таъминланган оилалар аъзолари) учун ижтимоий суғурта бюджетидан олинган йўлланмалар қийматини қисман қоплайди;

**9.18.2.** Ўзбекистон Республикаси санатория-курорт муассасаларида _____ нафар ходимни, шу жумладан камида _____ нафар ногиронларни, ёлғиз қарияларни, уруш ва меҳнат фахрийларини, кам таъминланган оила аъзоларини дам олишларини ва соғломлаштирилишларини **Корхона** ҳисобидан ташкил этади.

**9.19.** Ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида, Тарафлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

**9.19.1.** ҳар йили ўқув йили бошланиши арафасида умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган кўп болали кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ҳар бир болага Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи ҳисобидан келиб чиққан ҳолда дарсликлар ва ўқув қуроллари ҳарид қилиш;

**9.19.2.** ходимлар фарзандларига ҳар йили янги йил совғаларини **Корхона** ҳисобидан топширилишини ташкил этиш;

**9.19.3.** ходимлар фарзандларини болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш;

**9.19.4.** ходимларга болалар соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмалари нархини, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди

«Касаначилик тўғрисида Низом»га биноан мазкур **Шартноманинг** иш ҳафтасининг муддатига (4.1-банди), тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақға (5.12.1- кичик банди), иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақға (5.12.2- кичик банди) оид меъёрий қоидалари касаначиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**1.5. Шартномага** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро розилиги билан Меҳнат кодексида уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

**1.6.** Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мазмунига қилинган ишораларнинг барчасида уларнинг мазкур **Шартномани** тузиш чоғидаги таҳрири назарда тутилган.

**1.7. Иш берувчи** барча ходимларни, шу жумладан ишга янги қабул қилинган ходимларни, жамоа шартномаси, шунингдек **Касаба уюшма қўмитаси** билан келишиб қабул қилинган **Корхонанинг** бошқа локал ҳужжатлари билан таништириш, жамоа шартномасининг мазмунига ва бажарилиши шартларига оид маълумотлар ошкоралигини (мажлислар, конференциялар, масъул ходимлар ҳисоботлари, ахборот стендлари, тармоқ нашрлари ва ҳоказо орқали) таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

# II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

**2.1.** Тарафлар меҳнат вазифаларининг ҳалол ва сифатли бажарилиши ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этадилар.

**2.2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги **«Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»**ги Фармони қоидалари амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

- модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштиришга, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мосланувчан технологияларни татбиқ этишга;
- ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) рақобатбардошлигини янада оширишга, янги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) турларини сотиш ҳажмларини кенгайтиришга ҳамда уларни сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштиришга;
- иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этишга, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини кескин камайтиришга;
- техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилишга, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини татбиқ этишга;
- мосланувчан нарх-наво сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш хусусида келишиб олдилар.

**2.3.** Шу мақсадда **Иш берувчи**:

**а) Корхона** мувафаққиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкалари ва ишбай баҳолар амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

**б)** ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

**в)** меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

**г)** ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, **Корхонанинг** молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам ҳабардор қилиб бориш;

**д) Корхонанинг** ўзида, зарур ҳолларда эса – умумтаълим, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, олий ва қўшимча таълим муассасаларида ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш. Касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака оширишнинг шакллари ҳамда бундай ўқувларни ташкил этиш шартлари, тартиби, зарур касблар ва мутахассисликлар рўйхати тегишли **Низомда** белгилаб қўйилади **(2-Илова)**

**е)** касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун **3-Иловага** мувофиқ барча шарт-шароитларни яратиш;

**ж)** жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, **Корхонанинг** таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда мазкур жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни **Касаба уюшма қўмитасига** тақдим этиб бориш;

**з)** белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида **Касаба уюшма қўмитаси** билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат баҳсларини музокара йўли билан ҳал этиш;

**и)** ходимларни **Корхонани** бошқаришда амалдаги қонунларга зид бўлмаган шакллардаги иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

**к) Касаба уюшма қўмитаси** вакилларини **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига киритилишига кўмаклашиш;

**л) Корхонани** ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

**м)** рационализаторликни ривожлантириш;

**н) Корхонанинг** иш самарадорлиги юксалишига, хомашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**2.4. Касаба уюшма қўмитаси**

**а)** ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

**б) Касаба уюшма қўмитаси** вакилларини **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

**в)** касаба уюшмаларига хос услублар ёрдамида, шу жумладан ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, улар меҳнати унумдорлигини юксалтириш, **Иш берувчи** билан биргаликда ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали **Корхонанинг** барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

**г)** ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиш;

**д)** меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, **Корхонани** бошқариш, жамоа шартномаси мажбурият-



бор ходимларга эса – шунингдек дам олиш уйлари, санаторийлар, профилакторий йўлланмалари нархини **Корхона** ҳисобидан тўлаб бериш;

**9.19.5. Корхонага** қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчи болаларни, шунингдек санаторий-профилакторийда дам олувчиларни овқатлантириш учун касаба уюшмалари ижтимоий суғуртаси маблағларидан ажратиладиган меъёрга нисбатан _____ фоиз миқдорида **Корхона** ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш.

**9.20.** Тарафлар ётоқхоналар ва идоравий турар жойларни сақлаб туришга, уларда яшаш учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилашга, яшовчилар орасида маданий-оммавий, маънавият-маърифат ишларини олиб боришга маблағ ҳамда зарур ашёлар ажратиш мажбуриятини оладилар.

**9.21.** Тарафлар ходимларни **Корхонанинг** ёрдамчи хўжалигида етиштирилган гўшт-сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш (ёки ёрдамчи хўжаликни барпо этиш имкониятини кўриб чиқиш) мажбуриятини оладилар.

**9.22.** Мазкур **Шартнома** мақсадларида:

**а)** _____ нафар балоғатга етмаган фарзандни тарбиялаётган оилалар – кўп болали оилалар деб ҳисобланади;

**б)** ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан ошмаган оилалар – кам таъминланган оилалар деб ҳисобланади.

# X. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

**10.1. Иш берувчи** ҳар ойда Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг ____ фоизи миқдорида маблағни маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари учун **Касаба уюшма** қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

**10.2.** Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

**10.2.1.** «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиб, уни ЎзКУФКнинг ва Республика Маънавият ва тарғибот маркази тавсиялари асосида жиҳозлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар ва техник воситалар билан таъминлаш;

**10.2.2.** Давлат дастурларини бажариш борасида меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлабчиқариш илғорларини жалб этган ҳолда, ҳар-хил мавзудаги мазмунли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиш;

**10.2.3.** тасарруфдаги кутубхона, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини **Корхона** ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни сақлаб туриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, кутубхоналарни янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб қилган ҳолда, Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий дунёқарашларини ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш.

**10.2.4.** ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликни янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш. Уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиб, тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш;

**10.2.5.** умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадиий ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ва тадбирлар уюштириш.

**10.3.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида, тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

**10.3.1.** жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш;

**10.3.2.** касаба уюшмалари жисмония тарбия ва спорт жамияти, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб қилган ҳолда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш.

**10.3.3. Корхона** балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини корхона ҳисобидаги маблағлардан янада ривожлантириш, моддий –техникавий базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентар ва жиҳозларни янгилаш.

**10.3.4.** касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан алоқани мустаҳкамлаш;

**10.3.5.** жисмоний тарбия бўйича қўшимча йўриқчи лавозимини **Корхона** маблағлари ҳисобидан киритиш имкониятини кўриб чиқиш.

# XI. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар

**11.1.** Тарафлар Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

**а)** ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);

**б)** икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун ( 143, 227, 234, 236-моддалари);

**в)** уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун ( 78, 84, 150, 224, 228, 228', 234, 237-моддалари);

**г)** ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун ( 150, 232-моддалари);

**д)** ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (230-модда);

**е)** ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари);

**ж)** онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалари);

**11.2.** Иш берувчининг мажбуриятлари:

**11.2.1.** қисқартирилаётган аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш;

**11.2.2.** аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

**11.2.3.** иш берувчининг ташаббуси билан бўшатиб олинаётган аёлларга, вақтинчалик иш ўринлари яратиб бериш (корхонада юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини ташкил этиш) ;



**11.2.4.** корхонада меҳнати вақтинчалик фойдаланилмайдиган аёллар учун касаначиликни ташкил этиш;

**11.2.5.** ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги сабабли қисқартириш ўрнига малакали аёл кадрлар билан таъминланган ишлаб чиқариш бўлинмаларини тўлиқсиз иш вақти режимига ўтказиш;

**11.2.6. Корхона** (тизим бирлиги) реконструкциядан сўнг ишга тушганда унда ишга жойлаштириш учун қайта ўқитилган ва илгари мазкур корхонада меҳнат қилган аёлларга афзалликлар бериш;

**11.2.7.** Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга _____цехлардан енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган _____ иш ўринлари ажратиш ;

**11.2.8.** ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш, агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса;

**11.2.9.** ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини қонунда белгиланганига нисбатан _____ой (календар кунлар)га **Корхона** ҳисобидан узайтириш ;

**11.2.10.** қарамоғида 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парваришлаш таътилида бўлган аёлларга, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварида моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

**11.2.11.** 4 ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандлари бор кўп болали аёлларга _____ соатгача қисқартирилган иш куни белгиланиб, йил давомида жами Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварида моддий ёрдам ажратиш;

**11.2.12.** уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш куни белгилаш;

**11.2.13.** саккиз (10-12) ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг илтимосига кўра, ойда ____ кундан иборат иш ҳақи сақланмайдиган ёки қисман тўланадиган дам олиш куни бериш;

**11.2.14.** нормативда кўзда тутилганидан ташқари ___та цехда (бўлинмаларда) аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш. Соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини жорий этиш;

**11.2.15. Корхона** маблағлари ҳисобидан ҳомиладор аёлларни тиббиёт муассасаларида (сиҳатгоҳларда) ёки **Корхонага** тегишли санаторий-профилакторийда бепул даволаш.

**11.3.** Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга, болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса, ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади. Ходиманинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (смена) бошига ёки охирига ўтиши мумкин. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 236-моддасига асосан ).

**11.4.** Болалик аёлларнинг бола _____ ёшга тўлгунига қадар уни парваришлаш таътилида бўлган вақти меҳнат стажига қўшилади ва кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътили олиш ҳуқуқини беради.

**11.5. Касаба уюшма қўмитаси** аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиги муҳофазаси бўйича **Корхонанинг** ижтимоий дастури бажарилишида **Иш берувчига** яқиндан ёрдам беради.

# XII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

**12.1. Корхонанинг** ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

— Халқаро меҳнат ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

— ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

— ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашини тузиш;

— ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

— ёш оилалар аъзолари бўлмиш ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

**12.2.** Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур **Шартнома** мақсадларида:

**а)** 30 ёшгача бўлган ходимлар **ёшлар** деб ҳисобланадилар;

**б)** олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва олган мутахассислиги бўйича илк бор мазкур **Корхонага** ишга кирган ходимлар, таълим муассасасини битиргандан сўнг 3 йил давомида **ёш мутахассислар** деб ҳисобланадилар;

**в)** расмийлаштирилган никоҳда илк бор турган ва ҳар бири 30 ёшга тўлмаган эр-хотинлар **ёш оилалар** деб ҳисобланадилар.

**12.3.** Тарафлар Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

**а)** ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);

**б)** ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун ( 103, 143, 144, 249, 250, 251, 252, 253, 254, 255, 256, 257-моддалар);

**в)** таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

**12.4. Иш берувчи** мажбуриятлари:

**12.4.1.** ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш, уларни **Корхонанинг** санаторий-профилакторийсида соғломлаштириш;

**12.4.2.** ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

**12.4.3. Корхона** учун керакли бўлган кадрларни тайёрлаб бориш учун, олий ўқув юртлари талабаларининг контракт пулининг бир қисмини тўлаб бериш;

**12.4.4.** коллеж ва олий ўқув юртларини тугатиб, корхонада биринчи йил (икки, уч йилгача) меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш;

**12.4.5.** ёш ходимлар ва ёш оилалар учун банклар томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларни олишда кафиллик қилиш;

**12.4.6.** ишга келган ёш мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида бир марталик тўлов бериш;

**12.4.7.** қуйидаги ҳолларда фоизсиз ссудалар бериш:

**а)** ёш оила аъзолари бўлган ходимларга – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол молларини ҳарид қилиш ва уй-жой қурилиши учун;



ларини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ва дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни **Иш берувчига** киритиб бориш;

**е)** ходимларни рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

**ж)** мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар бажарилишини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

**з)** тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташаббуслари билан чиқиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**2.5.** Ходимлар:

**а)** ўз меҳнат вазифаларини ҳалол бажариш, **Иш берувчининг** фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;

**б)** ички меҳнат тартиби қоидаларига, ўрнатилган меҳнат режимига ва меҳнат интизомига риоя қилиш;

**в)** ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига кўмаклашиш, ишлаб чиқаришдаги ўз ҳамкасбларининг илғор тажрибасидан фойдаланиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар.

# III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.

**3.1.** Ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар (шу жумладан тармоқ (тариф) келишувлари, ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва мазкур **Шартнома)** қоидаларига биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Бунда меҳнат шартномаси тарафларининг бирортаси бошқа тарафнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

**3.2.** Ишга қабул қилиш шунингдек:

**а)** танлов асосида (Танлов тўғрисидаги Низом **Касаба уюшма қўмитаси** билан келишиб тасдиқланади);

**б)** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон Қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун Намунавий меҳнат шартномаси»га биноан тузилган касаначи томонидан иш берувчининг буюртмасига биноан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун меҳнат шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

**3.3.** Мутахассислигига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимлар тўла-тўкис иш билан таъминланадилар.

**3.4.** Меҳнат шартномасини **Иш берувчининг** ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина **Касаба уюшма қўмитасининг** олдиндан розилигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

(Меҳнат шартномаси:

— **Корхона** тугатилиши муносабати билан;

— **Корхона** раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

— **Корхона** раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган Меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор килинган тақдирда **Касаба уюшма қўмитасининг** розилигини олиш талаб этилмайди.)

**3.5.** Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш **Корхонада** мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Ходимнинг ташаббуси билан бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда меҳнат ҳақи амалда бажарилаётган ишга қараб (ёки аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда) тўланади.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб қуйидагилар ҳисобланади:

**3.5.1.** бетоб оила аъзосини парваришлаш зарурияти;

**3.5.2.** ишни таълим билан қўшиб олиб борилиши;

**3.5.3.** молиявий қийинчиликлар;

**3.5.4.** аввалги иш жойида ходимнинг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи омиллар вужудга келиши;

**3.5.5.** _____;

**3.5.6.** _____.

**3.6.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан **Иш берувчининг** ташаббусига кўра ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

**Иш берувчининг** ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб қуйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳисобланиши мумкин:

**3.6.1.** бошқа ходимнинг ишда вақтинчалик ҳозир бўлмаган даврида (ўқув сессиясига, меҳнат таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);

**3.6.2.** табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий офат, ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш зарурияти юзага келганда;

**3.6.3.** табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ходиса, табиий офат, ва бошқа фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

**3.6.4.** _____;

**3.6.5.** _____.

Ишлаб чиқариш, ташкилий-техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра иш вақтинча тўхтатилиши бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти ёки бекор туриб қолинишининг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларда **Иш берувчининг** ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги лозим. (Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29-Конвенцияси).

Ходим **Иш берувчининг** ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

**3.7. Иш берувчи** ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида _____ ой олдин
(камида икки)
тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. **Иш**

Чақирув — 2009

# Йигитлар армияга отланди

**Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктига йиғилган кўзларидан ўт чақнаб турган, юрагида ватанга муҳаббат туйғуси жўш урган, ўктам йигитларга боқиб ҳавасинг келади.**

**Тантанада вилоят мудофаа ишлари бошқармаси офицери Н.Валиев шундай деди:**

**— Президентимиз фармонига мувофиқ жорий йилдан бошлаб чақирув йилида бир марта — феврал-март ойларида амалга ошириладиган бўлди. Бугун белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларнинг бир гуруҳини тантанали равишда армияга кузатаяпмиз. Ўйлайманки, улар зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этиб, ёруғ юз билан қайтадилар.**

**— Ўғлим Зоҳид Хусниддиновни муддатли ҳарбий хизматга кузатаяпман, — дейди Матлуба Эргашева. — Унинг миллий армиямизда хизмат қилиши менга бекиёс ифтихор бахш этади.**

**Жамшид НИЁЗОВ**

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши биносидан чиқаётганимизда ўрта бўйли, сочларига оқ оралаган киши биз билан қуюқ сўрашди.

— Бошланғич касаба уюшма ташкилотимиз раисларидан — Қодиржон ака Мирзалиев, — таништирди шеригим.

Кейин улар қайсидир масалада йўлйўлакай гаплашиб олиб хайрлашдилар. Шеригим изоҳ берди:

— Кўргандирсиз, қанчалик камтарин, камсуқум инсон. Аслида, бу одам ёшлик йилларида ҳаво чегаралари соқчиси бўлган. Ўн беш йиллик умрини деярли осмонда ўтказган. Қатор жанговар медаллар билан тақдирланган.

...Қодиржон дунёга келган маҳалда олисларда тўплар гумбурлар, даҳшат билан бомбалар портларди. Бола эмаклмасиданоқ кўплар қатори отаси фронтга жўнади ва кўп ўтмай ундан «қора хат» келди. Бир неча йил аза тутган онаси ҳаёт тақозоси билан бошқа киши билан турмуш қурди.

Ўгай отанинг ҳам умри қисқа экан, беш-олти йил ўтиб-ўтмасдан у ҳам вафот этди. Қодиржон ўн ёшга тўлар-тўлмас қўлига кетмон олиб далага чиқди, катталар билан ёнма-ён ер чопди, ғўза ўтади, пахта терди. Негаки, уч-тўрт укаси бўлиб, уларни боқиш учун онасига кўмаклашиши керак эди. Мактабни битирди-ю ўқишга боришни ўйламади ҳам, қолаверса, оилавий шароити бунга йўл қўймасди. Барибир бригадирнинг қовоқ-тумшуғига қараб ишлашдан зерикканди, шунинг учун қишлоғига туташ Сирдарё чўлларида геологик-қидирув ишлари олиб бораётган гуруҳга қўшилиб олди. Энди уйга, оилага кўпроқ ёрдами тега бошлади. Бу орада армияга чақирилди. Зийрак, мактабда яхши ўқиган, чаққон йигитни хоҳишига биноан Красноярск ўлкасининг Канск шаҳридаги 22-авиация

# ОКЕАН оша парвоз

кичик мутахассислар тайёрлаш бир йиллик курсига ўқишга юборишди. Курсни аъло баҳоларга тамомлаган йигит Семипалатинск шаҳрида жойлашган авиация полкида хизмат қила бошлади. Қодиржон Мирзалиев гарчи «Ту-195» оғир бомбардимончи самолётида радистлик вазифасида фаолият кўрсатса-да, полкда уста мерган сифатида ҳам танилган эди. Бу борадаги мусобақаларда доимо олдинги ўринларни эгаллар, совринлар оларди. Ҳаш-паш дегунча белгиланган хизмат муддати охирлади. Лекин армияга, бажараётган вазифасига чинакамига меҳр қўйиб қолди. Иккинчи томондан укалари ҳам аллақачон вояга етиб улгурган, онасининг қўлтиғига кириб қолишганди, рўзғор тебратишда унчалик

қийналишмаётганди. Шу боис хизматни давом эттиришга қарор қилди.

Сал ўтмай мутахассислигини янада пухтароқ эгаллаш учун малака ошириш курсида ўқиб қайтди.

— Гарчи полкимиз Қозоғистон чўлларида жойлашган бўлса-да, биз асосан, мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳаво чегараларини қўриқлардик, — ҳикоя қилади Қ.Мирзалиев. — Ҳавога кўтарилгач, икки-уч соат ўтмасдан Шимолий муз океани осмонига етиб борардик. Чегара осмони бўйлаб учишда давом этиб Тинч океани узра парвоз қилардик. Осмонда кўпинча таъминотчи самолёт ёрдамида иккинчи марта ёнилғи қуйишга тўғри келарди ва бу йигирма соат парвоз қилишимизни таъминларди. Шу кўйи то Япония ва Корея чегараларигача айланардик.

Гоҳо нейтрал зоналарда АҚШ, Япония, ҳар икки Корея самолётлари билан тўқнашиб кетишимизга сал қолган пайтлар ҳам бўлган.

— Хавф-хатар юз берган вақтлар бўлганми? — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Аввало, ҳафтада икки-уч бор парвозга чиқарканмиз, яна қайтадан оёғимиз она заминга тегармикан, деб ўйлардик, аммо зиммамиздаги бурч ҳаммасидан устунлик қиларди.

— Хотирангизда қолган воқеалардан биронтасини айтиб бера оласизми?

Қодиржон Мирзалиев бир дақиқа хаёлга толади.

— Адашмасам, бу воқеа халқаро аҳвол таранг нуқтага етган 1964 йилнинг кеч куз кунларида юз берганди, — аста сўз бошлайди суҳбатдошимиз. — Бизни махсус топшириқ билан ва узоқроқ давом этадиган парвоз юзасидан огоҳлантиришди. Беринг бўғозидан бошлаб қўшни давлат чегараларини кузатишимиз керак эди. Учиш ўн соатдан ошиб ҳавода ёнилғи олиш жараёни бораётган маҳалда қўшни самолёт учувчиси хатога йўл қўйди ва бензин олинаётган махсус труба узилиб кетди. Унинг катта қисми ҳавода илондек биланглаганча бизнинг машинамиз устига ёпишди. Бунинг энг хавфли томони шундаки, унинг бир учи самолётнинг олдинги паррагига тегиб қолди. Ушбу ҳолатда ёнғин чиқиб кетиши ёки паррак шикастланиб, самолёт қулаб тушиши хавфи туғилди. Шунда командиримиз олдимга келди.

— Ҳалокатнинг олдини олишнинг битта йўли бор, — деди кўзларимга тикилиб. — Сенинг қандай мерганлигингни синовдан ўтказиш фурсати келди. Пулемёт ўқи билан самолётнинг бирон жойига шикаст етказмасдан трубани қирқиб ташлашинг керак. Агар ўқ нотўғри кетиб самолётнинг бакига тегса, портлаб кетишимиз тайин.

Махсус туйнук орқали самолётнинг тепа қисмига чиқиб олдим. Совуқ шамол кўз очирмайди. Фикримни бир нуқтага йиғдим ва командирнинг топшириғини уддалашга муваффақ бўлдим...

Қодиржон Мирзалиевнинг ҳарбий хизмат даврида эгаллаган вазифаси учун ўн беш йил охирги марра эди. Бу муддат ҳам етиб келди. Ниҳоят, уни эскадрилядагилар катта ҳурмат билан пенсияга кузатишди. Қолаверса, онасининг кексайиб, касалликка чалингани унинг тезроқ уйга қайтишини тақозо қиларди.

Қ.Мирзалиевнинг отаси асли Намангандан бўлиб, ўттизинчи йилларнинг охирида шўроларнинг адолатсиз сиёсати туфайли Мирзачўлга кўчирилган эди. Қариндош-уруғлар уни ота юртига тўхтовсиз чорлашарди. Ниҳоят, у ота юртидан кўним топди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Журналист текшируви

# Шикоят ёзилишига қим айбдор?

Адолат бор жойда аризабозликка ҳожат қолмайди. Қаерда ижтимоий адолат тамойиллари бузилса, ўша жойда норозилик кайфияти илдиз отади.

Очиғини айтганда, бу танганинг бир томони. Кўпинча унинг иккинчи томони биринчи ўринга чиқиб кетади, яъни фалончи шикоятлар ёзиб юрганмиш, деган овоза тарқалиб, бегуноҳ одам айбдор бўлиб қолади. Шикоятнинг ёзилишига сабабчи бўлганлар эса негадир камроқ тилга олинади.

Охирги 18 ой давомида Комилжон Исоқуловнинг моддий қийинчилик ва руҳий азобларга чидаб яшашига ундаган нарса ҳақиқат тикланишига бўлган ишонч эди.

* * *

Комилжон Исоқулов 1998 йил 13 январдан «Сирдарё электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятига автогидрокўтаргич ҳайдовчиси сифатида ишга қабул қилинади. 2001 йил ноябрида енгилроқ ишга ўтказишни сўраб маъмуриятга ариза билан мурожаат қилади. Чунки у ишлаб чиқариш давомида 2-гуруҳ ногиронига айланган эди.

Ариза инобатга олиниб, ходим ўзининг розилиги асосида 20 ноябрдан қоровулликка ўтказилди. Тинчгина ишлай бошлади. Орадан салкам ўн йил ўтгандан сўнг кутилмаганда...

«2007 йил 19 апрелгача шу лавозимда ишладим, — деб ёзади аризачи. — Шу куни қўққисдан ходимлар бўлими бошлиғи чақириб, 17 апрелдан бошлаб ишдан бўшатилганим ҳақида қалам билан битилган буйруқни қўлимга тутқазди. Унда корхона раҳбарининг имзоси йўқ эди...».

* * *

Журналистик суриштирув давомида К.Исоқулов фаолияти давомида бирор марта огоҳлантириш ёки ҳайфсан олмаганлиги аниқланди. Демак, у вазифасини сидқидилдан адо этган.

«Қачонгача менга ўхшаган ногиронларнинг ҳуқуқлари поймол қилинади? Саккиз ойдан бери мен мурожаат қилмаган идора қолмади».

Аризачининг саволни бундай қўйишига асос бор. Чунки ўша пайтда фақат у эмас, унга ўхшаган оддий ходимлар ҳам ишдан бўшатиб юборилганди.

* * *

Жабрланувчи Комилжон Исоқулов дастлаб касаба уюшмасига мурожаат қилиб, ҳуқуқининг тикланишида ёрдам сўрайди. Касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси раиси К.Оқбўтаев имзолаган муносабатномани ўқиб, битта хулоса ясадик: ишдан ноқонуний озод этилган ходимнинг тақдирига бефарқ қаралмаган.

Бирлашма шароитни ўрганиш жараёнида бир қанча қўпол камчиликларни аниқлайди ва «Сирдарё электр тармоқлари» ОАЖ маъмуриятига «зудлик билан жамиятнинг 2006 йил 11 декабрда чиқарилган ходимларни қисқартириш тўғрисидаги 632-буйруқни, ходим К.Исоқулов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 2007 йил 7 февралда чиқарилган 68-буйруқни бекор қилиш, К.Исоқуловни аввалги лавозимига тиклаш, у ишсиз юрган кунлар учун иш ҳақини тўлиқ миқдорда тўлаш, ушбу масала бўйича йўл қўйилган жиддий қонунбузилишларни бартараф этиб, 11 майгача ёзма равишда жавоб бериш» таклиф қилинади.

Афсуски, ОАЖ маъмурияти корхона касаба уюшмасининг ҳам, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг талабномаларини ҳам писанд қилмади. Оқибатда, жабрланувчи касаба уюшмаси тавсиясига мувофиқ судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Аслида корхона маъмурияти К.Исоқулов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда ёзма равишда шу жамият касаба уюшма қўмитасининг розилигини олмаган. Бошқача айтганда, маъмурият бошлиғи Алишер Шукуров ўзини хон, қўланкасини майдон деб ҳисобланган. Ваҳоланки, ҳар бир ходим аризаси ортида нафақат шу ходим, балки бутун бир оила тақдири ётади. 2-гуруҳ ногирони ҳисобланган шикоятчининг қарамоғида уч фарзанди бор, бунинг устига турмуш ўртоғи ҳам ногирон. Бу далиллар ҳар қандай инсонни инсоф доирасида тутиб туришга етарли эди-ю, бироқ...

* * *

Жабрланувчи Комилжон Исоқулов вилоят прокуратурасига 2007 йил 18 май куни мурожаат қилиб, поймол қилинган ҳуқуқини тиклашда ёрдам сўрайди. Прокуратура аризани ўрганиб чиқади ва йўл қўйилган қонунбузилишларни аниқлайди. Афсуски, фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди чиқарган қарорни ўқиб, масалага бироз юзаки ёндашилмадимикан, деб ўйлаб қоласан киши. Суд мажлисидан К.Исоқулов мутлақо бехабар қолган. Мажлисда эса фақат жавобгар вакилларининг сўзлари тингланибди, холос. Ё орқаваротдан ҳам иш кўрилиши мумкинми? Ваҳоланки, К.Исоқулов Гулистондан узоққа чиқиб кетмаган эди.

Яна бир ғалати томони шундаки, 2007 йил 23 ноябр куни Гулистон туманлараро судининг ҳал қилув қарори бўйича «Сирдарё электр тармоқлари» ОАЖнинг автогидрокўтаргич ҳайдовчиси бирданига Гулистон шаҳар «Сувоқава» корхонасининг бошлиғига айланиб қолади. Ҳам куласиз, ҳам куясиз!

Агар ишонмасангиз, мана ўзингиз ўқинг, «Гулистон шаҳар «Сувоқава» корхонаси раҳбари К.Исоқуловга» деб 2007 йил 18 октябрда йўлланган 5-140-хат тагига фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди чиқарган қарорни ўқиб, масалага бироз юзаки ёндашилмадимикан, деб ўйлаб қоласан киши. Суд мажлисидан К.Исоқулов мутлақо бехабар қолган. Мажлисда эса фақат жавобгар вакилларининг сўзлари тингланибди, холос. Ё орқаваротдан ҳам иш кўрилиши мумкинми? Ваҳоланки, К.Исоқулов Гулистондан узоққа чиқиб кетмаган эди.

Яна бир ғалати томони шундаки, 2007 йил 23 ноябр куни Гулистон туманлараро судининг ҳал қилув қарори бўйича «Сирдарё электр тармоқлари» ОАЖнинг автогидрокўтаргич ҳайдовчиси бирданига Гулистон шаҳар «Сувоқава» корхонасининг бошлиғига айланиб қолади. Ҳам куласиз, ҳам куясиз!

Агар ишонмасангиз, мана ўзингиз ўқинг, «Гулистон шаҳар «Сувоқава» корхонаси раҳбари К.Исоқуловга» деб 2007 йил 18 октябрда йўлланган 5-140-хат тагига фуқаролик ишлари бўйича суд раиси томонидан имзо чекилган. Эҳтимол, бу хатни бошқалар тайёрлаб бергандир, лекин суд раиси ўз қўли остидаги ходимларнинг масъулиятини ошириши, инсон тақдирига нописандларча муносабатда бўлувчиларга нисбатан чора кўриши керак деб ўйлаймиз.

Прокуратура ходимлари эса бундан мустасно, улар бу ОАЖда штатларни қисқартиришдан кейин ҳам 150 нафар янги ходим ишга қабул қилинганини инобатга олишди. Афсуски, суд бу масалани мутлақо ўрганиб чиқмади, эътиборга ҳам олмади, мажлисни эса фақат бир томонлама ўтказди. Оқибатда, жабрланувчи асаб хасталигига йўликди. Ўн саккиз ойлик саргардонлик мобайнида асаб касалликлари шифокори қарамоғида даволанди.

Фуқаро К.Исоқулов энди суднинг устидан шикоят қилишга мажбур бўлди.

* * *

Адолат тикланди. Жабрланувчи К.Исоқулов бугун касаба уюшмаларидан ҳам, прокуратурадан ҳам чексиз миннатдор. Ишни холисона кўриб чиққан Жиззах вилоят судининг аппелляция инстанцияси 2008 йил 30 октябр куни вилоят прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Юсуповнинг фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг қарорини бекор қилиш, даъвони қониқтириш ҳақида янги ҳал қилув қарорини чиқаришга боғлиқ фикрини тинглаб, ўзининг узил-кесил муносабатини билдирди ва қуйидагича ажрим чиқарди:

«Мазкур иш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2007 йил 10 июлдаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин. Даъвогар К.Исоқуловнинг даъвоси қаноатлантирилсин, қфоровул вазифасига тиклансин.

Жавобгар «Сирдарё электр тармоқлари» ОАЖ ҳисобидан даъвогар К.Исоқулов фойдасига 1 млн. 384 минг 352 сўм иш ҳақи ундирилсин».

**Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Олам ва одам

## Адвокатнинг хавотири

Аввал хабар қилинганидек, Австралия жануби-шарқида юз берган ўрмон ёнғинлари оқибатида 1831 та уй-жой кулга айланиб, 189 нафар киши ҳаётдан кўз юмган эди.

Мамлакат ҳукумати Виктория штатида қурбон бўлган 11 нафар фуқаронинг ўлимига сабабчи бўлган айбланувчининг исмини маълум қилди. У кўнгилли равишда ёнғинга қарши курашувчилар сафида бўлган 39 яшар Брендан Жеймс Сокалук экан.

Сокалукнинг адвокати Хелен Споварт мижозининг номи ошкор қилиниши ёмон оқибатга олиб келиши мумкинлигидан хавотирда. Чунки Австралия жамиятининг кайфияти ҳозир жуда ёмон бўлиб, одамлар Сокалукдан ўч олиши ҳам ҳеч гап эмас.

## Халқ иродаси

Венесуэла раҳбари Уго Чавес 15 феврал куни бўлиб ўтган референдум натижаларига кўра президент сайловига ўз номзодини хоҳлаганча кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Маълумотларга қараганда, референдумда иштирок этган аҳолининг 54,36 фоизи қайта сайланишнинг чекланишига қарши овоз берган бўлса, 45,63 фоиз аҳоли чекловни ёқлаган.

Овоз бериш натижаларини изоҳлар экан, Чавес «Венесуэлада ҳақиқат ва қадр-қиммат ғалаба қилди» деди.

Эслатиб ўтамиз, Уго Чавес мамлакат президентлигига 2006 йилда қайта сайланган эди. Унинг ваколат муддати эса 2012 йили тугайди.

## Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл...

LG компанияси қуёш батареясида ишловчи мобил телефони ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Мазкур телефоннинг ташқи кўриниши аввал сотувга чиқарилган LG KF750 телефонига ўхшайди. Компания телефоннинг техник имкониятлари ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот бермаган. Фақат шуниси аёнки, қуёш батареясининг 10 дақиқа заряд олиши 3 дақиқалик сўзлашув учун етади.

Айни вақтда «Samsung» компанияси ҳам худди шундай батарея билан ишловчи телефон ишлаб чиқарилишини маълум қилди.

## Ўғрини «қароқчи» урди

Вашингтон штатининг Беллевю шаҳрида яшовчи 32 ёшли Патрик Росарио ўз уйига ўғирликка тушган шахсларнинг автомашинасини олиб қочди.

Штат қисқариши туфайли банкдаги ишидан мосуво бўлган Росарио ўша куни уйининг ертўласида қуймаланаётганида кириш эшиги ёнида қандайдир шовқин эшитилди. Туйнук орқали нотаниш кишиларни кўриб, шу заҳотиёқ полицияга қўнғироқ қилди ва орқа эшик орқали кўчага отилди.

Кўчада эса калити жойида қолдирилган, мотори ўчирилмаган машина турарди. Росарио машина ўғриларга тегишли эканлигига шубҳа қилмади ҳам, рулга ўтирди-да, шаҳар чеккасига қараб ҳайдади. Бир неча квартал юргач, полиция келишини кутишга қарор қилди.

Тасодифий гувоҳлардан бирининг айтишича, Росарионинг уйидан чиққан талончилар машина йўқлигини кўриб саросимага тушиб қолишган. Сўнг ўғирланган барча нарсаларни, жумладан, бир дона ноутбок, Росарионинг хотинига тегишли қимматбаҳо тақинчоқлар солинган қутичани шу ернинг ўзида қолдириб, номаълум томонга қараб қочишган.

Воқеага муносабат билдирар экан, Росарио шундай деди:

— Омадим бор экан. Бироқ ҳозир вазиятни тасаввур қилиб, нотўғри йўл тутганимни англаяпман.

## Инқирозни қандай бартараф этиш мумкин?

Украиналикларнинг 75 фоизи иқтисодий инқироз туфайли озиқ-овқат учун кетадиган харажатларни камайтиришди. «Интерфакс» агентлиги Стратегик тадқиқотлар миллий институти директори Юрий Рубаннинг маълумотига асосланиб бу ҳақда хабар тарқатди.

Институт ўтказган сўровда респондентларнинг 63 фоизи иқтисодий инқироз туфайли овқатланиш харажатларини камайтиришга мажбур бўлишганини билдиришган.

Респондентларнинг асосий қисми ҳукумат иқтисодий инқирозни бартараф этиш учун барча чораларни кўрмаяпти ва яқин орада уни бартараф этишга қодир эмас, деган фикрда.

**Интернет хабарлари асосида**
**Ж.ШАРОФБОЕВ тайёрлади**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг собиқ раиси

**Адиля КУБАЕВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ishonch 2009-yil 17-fevral № 20-21 (2590)

Ташаббус

# Сурхонда ҳашар

***Ҳашар халқимизнинг энг улуғ қадриятларидан ҳисобланади. «Нуроний» жамғармасининг Сурхондарё вилоят бошқаруви воҳани ободонлаштириш мақсадида 14-15 феврал кунлари ҳашар уюштирди.***

— Хайрли ишларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги бошланғич ташкилот етакчилари қатнашди, — дейди Қумқўрғон туманидаги «Қумқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Алламурод Бойматов. — Ҳашарнинг биринчи куни «Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Кўчалар текисланиб, дарахтлар оқланди. Ариқлар тозаланди. Шунингдек, қабристон ва зиёратгоҳлар обод қилинди. Кам таъминланган қариялар ва беморларга саховатли инсонларнинг совғалари топширилди. Янгиерликлар ҳашарнинг иккинчи куни 10 минг туп манзарали, 8400 туп мевали, 100 мингдан ортиқ гул кўчатларини ўтқазишди. Бундай ишлар «Бўстон», «Гулистон», «Пахтаобод» маҳаллаларида ҳам амалга оширилди.

Ҳашар кунлари «Жарқўрғоннефт» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳам «Янгиобод» фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган 3,5 гектарлик «Ёшлар хиёбони»га мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари ўтқаздилар. Тошкент-Денов трассасининг ўзлари оталиққа олган қисмида кенг қамровли ободончилик ишларини амалга оширишди. Жамият раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилоти вакиллари кекса ҳайдовчи Равил Абайдуллин, чилангар Жумабек Умарбеков, Бахтиёр Жадгаровларнинг хонадонида бўлиб, совғалар топширишди.

— Шу кунги ҳашарда воҳамиз ҳудудида касаба уюшма аъзолари томонидан 1 млн. тупдан ортиқ кўчат ўтқазилди, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов. — Ҳашар доирасида спорт мусобақалари ташкил этилди. «Шўрчи дон» корхонаси, «Сурхонозиқовқат» ҳиссадорлик жамияти, Узун маиший хизмат коллежи, Шеробод халқ таълими бўлими, Қумқўрғон туман марказий шифохонаси бирлашмалари эса ободонлаштириш ишларидан ташқари кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишди.

Ҳашарда вилоятнинг 700 мингдан зиёд аҳолиси фаол иштирок этди. Теварак-атроф ободонлаштирилиб, 6 млн. туп кўчат ва 3 млн. туп гул экилди. Эҳтиёжмандларга 21 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бошқаруви раиси Орзиқул Соатов.

**Д.РУСТАМОВ**

## Ижодий ярмарка

***Қува туманида ёш ижодкорлар ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги, компютер технологиялари коллежи ўқувчилари тайёрлаган саҳна кўринишлари, маиший хизмат коллежи ўқувчиларининг миллий либослар кўргазмаси йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. «Анор», «Зебо» ашула ва рақс ансамблларининг иштироки ярмарканинг файзли ўтишини таъминлади.***

— Бу каби ижодий ярмарка ва танловлар тенгдошларимиз ўз иқтидорини намойиш қилиши учун кенг имкониятдир, — дейди дуторчи Ҳилолахон Усмонова. — Ёшларни санъат ва ҳунармандчиликка, спортга жалб қилиш, рағбатлантириб бориш уларни зарарли одатлардан ҳимоя қилишда қўл келади.

— Туманимизда ёш ижодкорларни кашф қилиш борасида ҳокимият ва ҳомий ташкилотларнинг хизматлари катта, — дейди 19-мусиқа мактаби ўқитувчиси С. Абдураҳмонова. — 2009 йил туманимиз санъат ихлосмандлари учун қувончли воқеалар билан бошланди. Яқинда Қўшчечак қишлоғидаги бўш ётган кўп қаватли бинолардан бири мусиқа мактаби учун ажратилиб, Қува тўқимачилик корхонаси ҳомийлигида тўлиқ таъмирланди ва болалар ихтиёрига берилди. Ҳозир бу ерда қишлоқнинг 60 дан ортиқ қобилиятли боласи таҳсил олмоқда.

Тадбир давомида талабалардан бир нечтаси санъат соҳасида фаолият юритадиган муассасалар ва хонандалар томонидан ишга таклиф қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

## Спорт оламида

***«АБ Боксинг» — бокс академиясини ташкил этишга бел боғлаган бир гуруҳ спорт фидойилари шу номдаги клубга асос солишди. Клуб президенти Санъат Ҳайдаров — собиқ боксчи. Яқинда у билан учрашиб, клубнинг мақсади, унда ишлаётган мураббий-у спортчилар ҳақида суҳбатлашдик.***

# «АБ-Боксинг» клуби



— Айни пайтда клубнинг машғулотлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтаяпти, — сўз бошлади С.Ҳайдаров. — Спортчилар Руслан Дадахонов, Отабек Қурёзов мураббийлигида шуғулланишяпти. Албатта, профессионал боксда яхши натижаларга эришиш учун боксчи жисмоний, техник, тактик жиҳатдан мукаммал тайёргарликка эга бўлиши керак. Бунинг учун эса, менимча у ҳаваскор боксда тобланган бўлиши лозим. Шу боисдан, клубга асосан иқтидорли ўсмир-ёшларни кўпроқ жалб қиляпмиз. Улар дастлаб ҳаваскор бокс мусобақаларида иштирок этишади. Натижалари ва кўрсаткичларига қараб, маҳорати сайқал топиб борса, уни профессионал бокс бўйича баҳсларга қўямиз.

— «АБ Боксинг» клубининг етакчи спортчилари ҳақида ҳам мухтасар маълумот берсангиз...

— Ҳаваскор бокс бўйича ўсмирлар ўртасида 2007 йил Бокуда ўтган жаҳон чемпионати финалчиси Аваз Акромов, кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони Равшан Жабборов профи-рингда ҳозирга қадар рейтинг жангларида қатнашишга улгурди. Аваз Акромов чапдастлиги ва шиддаткорлиги туфайли жангларни муддатидан олдин якунлаяпти. Бу йил 15 ёшга тўладиган ёш боксчимиз Ануш Абдуллаев эса яқинда Жиззахда ташкил этилган ҳаваскор боксчилар ўртасидаги Республика биринчилигида совриндор бўлди. Шуни алоҳида таъкидлашим мумкинки, бокс фидойиликни талаб этади. Спортчи боксда яшаши керак. Бокс дегани бир-бирини уриб, майиб қилиш эмас. Икки бир-бирига тенг чарм қўлқоп устаси жанг пайтида моҳирлик билан ҳимояланиши, рақибини тактик томондан чалғита билиши лозим. Қайси бирида ушбу фазилатлар мужассам бўлса, ўша ғалаба қозонади.

Клубни очишдан асосий мақсад ҳам болаларни спортга жалб қилиш, уларда ота-онасини, Ватанни севишга, ўзидан кичикларга ёрдам беришга кўникма ҳосил қилиш. Қайси спорт тури бўлишидан қатъи назар, спортчиларимиз халқаро майдонда ғалабага эришса, бирдек фахрланамиз. Ҳозирда машғулотларимиз ижара асосида, турли мажмуаларда тарқоқ ҳолда ўтаётган бўлса-да, келажакда алоҳида бокс мажмуаси ташкил этиш ниятидамиз. Етакчи спортчилар билан биргаликда машғулотлар ўтказиш режалари ҳам йўқ эмас. Нафақат бокс, балки бошқа спорт турлари усталарини ҳам клубга таклиф қилиб, улар иштирокида умумжисмоний тайёргарликлар бўйича машқлар ўтказмоқчимиз.

# Интилганга толе ёр!

Матонат

**Н**аманганнинг чекка қишлоғида қизалоқ туғилди. Унга ота-онаси Зебо дея исм қўйишди. Қизалоқ атак-чечак қилиб юра бошлагач, бир оёғининг тиззасидан юқорироғида нўхатдеккина шиш пайдо бўлди. Ота-она бунга аввалига эътибор бермади. Аммо қизалоқ ўша жойини ушлаб йиғлайвергач, дўхтирларга олиб боришди. Улар ҳар хил муолажа қилиб кўришди. Қизалоқ бироз тин олган бўлди.

**К**унларнинг бирида оғриқ яна қайталади. Қизалоқ чинқириб йиғлар, онаси бўлса уни овутолмай ҳалак эди. Энди уни туман марказидаги шифохонага олиб боришди. Кимдир операция қилиш керак деди, биров даволаса бўлади деди. Хуллас, дўхтирлар бир тўхтамга келгунча анча вақт ўтди. Сўнг таваккал қилишдими, уни операция столига ётқизишди. Жарроҳлик тугагач, улар анча вақтгача шифохонада ётиб, уйларига қайтишди.

**К**ўп ўтмай яна ўша оғриқ Зебони безовта қила бошлади. Қизалоқ чидай олмасдан тунлари йиғлаб чиқарди. Уни тағин операция столига ётқизишди.

Йиллар давомида уни саккиз марта операция қилишди. Кейин тиззасидан пастини кесиб ташлашди. Аммо Зебо руҳан эзилмади. Бу ҳам ҳаётнинг бир синови-да, деб ўйлади. Мактабдаги ўқишини ташламади. Дугоналаридан ёрдам сўраб, ўтилган ҳар бир дарсни ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Қўлтиқтаёққа суяниб мактабга борди. Муаллимлари ҳам унга чин дилдан ёрдам беришга ошиқишди. Чунки у тиришқоқ, зеҳнли қиз эди.

**З**ебо мактабни тугатгандан сўнг ҳужжатларини институтнинг сиртқи бўлимига топширди. Тиним билмай имтиҳонларга тайёрланди. Ниҳоят, оила аъзолари ҳаяжонланиб кутган дақиқалар етиб келди. Зебо талаба бўлди. Фақат шартнома асосида ўқишига тўғри келди.

**Э**нди қиз қандай йўл билан бўлмасин ўқиш учун пул топиши зарур бўлиб қолди. Ота-онаси ҳам унга эътиборсиз эмасди. Аммо Зебо ҳеч кимга оғирлиги тушишини истамади...

**Б**олалигида у онасининг ёнида ўтириб қўғирчоғига турли қийқимлардан кўйлакчалар тикарди. Кейинроқ гоҳо қишлоғидаги чеварникига бориб ҳунар ўрганди. Сал ўлғайгач онаси ёрдамида бичиш-тикишни ҳам ўрганиб олди.

**У**шбу ҳунарни ўргангани жонига ора кирди. Ўзи ўқиган мактабга бориб, устозларидан тўгарак очишга кўмак сўради. Мактаб раҳбари уни қўллаб-қувватлади. Маош тайинлаб, ўша куниёқ битта хона ажратиб берди. Тикув машинаси ҳам олиб беришди. Шундай қилиб шогирдлари кўпайди.

**З**ебо кўзга яқин, истараси иссиқ қиз бўлгани учун кўп йигитлардан совчи келди. Аммо у унамади. Чунки келажагини ўйларди. «Агар мен ҳозир соғлом йигитга турмушга чиқсам, эртага оилада бирон кўнгилсизлик бўлиб қолса у, албатта, ногиронилигимни юзимга солади. Шунинг учун ўзимга ўхшаган кўнгли яримта инсонга турмушга чиқишим ва уни бахтли қилишим керак», — деб ўйларди.

**Б**ир куни унинг таърифини эшитган, ўғлининг бир оёғи тиззасидан йўқ бўлган йигитнинг онаси совчиликка келди. Ота-онаси йигит томонни обдон суриштирди. Кейин икки ёшни учраштиришди. Кўп ўтмай уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Энди Зебо кўпроқ турмуш ўртоғини ўйларди. Ниҳоят, сўраб-суриштириб Тошкентдаги ногиронлар жамиятида ишлайдиган Сайёра опани топди. Опа орқали эрининг оёғига протез қўйдиришни келишиб олди. Шунда ҳам ўзини ўйламади. «Эркак уйнинг устунидир. Аёл минг чиранмасин ўша устунчалик бўлолмайди. Рўзғорнинг юкини кўтариш учун эркакка оёқ керак», — деб ўйларди Зебо.

**Т**ошкентга келишидан олдин Сайёра опага қўнғироқ қилди. Опа эса уларни протез қўл-оёқлар ясаётган Роналд Хонгнинг ҳузурига етаклади. Кўп вақт ўтмай Зебо эрига протез оёқ қўйдирди. Сайёра опа Зебога ҳам қўйдиришни маслаҳат берганди, Роналд Хонг буни кейинга сурди. Чунки ўша пайтда Зебо ҳомиладор эди.

**О**радан уч-тўрт ой ўтгач, улар ўғил кўришди. Уйдаги шароит оғирлашиб қолганлиги сабабли туман ҳокимига уй сўраб мурожаат қилишди. Ҳоким ҳам Зебонинг қилган ишларини эшитиб, тиришқоқлигини кўриб уларга бир уйнинг калитини топширди.

**Ҳ**аракатда — баракат, дейишади. Зебо буларнинг барчасига ўзининг ҳаракатлари орқали эришди.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

Теннис

***Яқинда Тошкент теннис марказида Республика олимпия захиралари теннис мактабининг очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.***

# Фарғоналик қиз шоҳсупада

Ўзбекистон теннис федерацияси томонидан юқори савияда ташкил этилган ушбу мусобақада фарғоналик Сарвиноз Саидхўжаева Милиса Бекировани (Тошкент шаҳри) 6/1,6/0, Алёна Литвиновани (Тошкент шаҳри) 6/1, 6/0, ярим финалда эса Даяна Седовани (Республика Олимпия захиралари теннис мактаби) 6/2, 6/3 ва ниҳоят финалда россиялик теннисчи Маргарита Шмелёвани 6/4, 6/2 ҳисобида мағлуб этиб, шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой эгаллади.

Саидхўжаева Фарғона шаҳридаги 15-умумтаълим мактабининг 6-синфида ўқийди. У мактабининг иқтидорли ўқувчиларидан саналади.

Республика турнирларида кўрсатган юқори натижалари сабаб яқинда Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими мудири М.Ходжаев ёш спортчини қутлади, унга ХТБнинг «Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғасини топширди.

Халқ таълими бошқармаси, болалар спортини ривожлантириш вилоят жамғармаси, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Сарвинозга катта умид билан қарамоқда.

Аслида Саидхўжаевлар оиласини теннисчилар оиласи, дейиш мумкин. Сарвинозхоннинг акалари Санжарбек ва Муҳаммадризо мураббийи Ўткиржон Абдуллаев етакчилигида турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Ёш теннисчилар нафақат республикамиз, балки дунё кортларида ҳам юқори шоҳсупаларга кўтарилишини мақсад қилишган.

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири**


2009 йил 25-27.02 Ўзбекистон Тошкент

«Ўзэкспомарказ» МКК ОАЖ

ТУРКМАНИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

ТУРКМАНИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МКК ОАЖ



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

• Россия Федерациясининг ВАЗ-21041 ва ИЖ-27175 ҳамда ВАЗ-2107 автомобилларини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотишни маълум қилади.

ВАЗ-21041

ИЖ-27175

• Автомобилларга божхона солиғи тўланган.

• Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

ВАЗ-2107

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51, 276-77-20.
Факс: (8-371) 276-97-40


Газетанинг навбатдаги сони 21 февраль, шанба куни чиқади.


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhih:
N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Ⓗ - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 22.50

Буюртма Г — 114

20559 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6